



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 29-iyun • №26 (4165)

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАНИ!

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар! Сиз, хурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение вакиллари, муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбидан табриклаб, барчангизга эзгу тилаklarимни изхор этаман.

Бугун биз яшаётган, глобаллашув ва Интернет асри деб ном олган даврда тараққиётни, ҳаётимизни замонавий ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларидан, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан, сиз азиз журналистлар фаолиятини айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши англаймиз ва сизларнинг ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда оммавий ахборот воситаларининг фаолият қўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, айни вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривож ва ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу ҳақда фикр юритганда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуриш, мамлакатимизни янгилик ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини кучайтириш, иқтисодий тўғрисида самарадорлигини ошириш йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ечиш, ички ва ташқи сибатни олиб бориш бўйича тўғри йўлни таллашда матбуот соҳасининг кўшаётган ҳиссасини тан олиб, унинг роли, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин шулар қаторида яна бир масала борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. У ҳам бўлса, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида асосий куч бўлмиш халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий олами шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мустақил фикрлаш, онли яшаш руҳида тарбиялашда, бизнинг ривожланишимизга ҳалақит бераётган эски қолип ва қарашлардан халос бўлишда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва оғоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда — ўзини ҳақиқий инсон деган ҳар қандай кишига мансуб айни шундай олижаноб фазилатларни камол топтиришда оммавий ахборот воситалари соҳасида фаолият кўрсатаётган меҳнатчиларнинг улкан хизмати борлигини катта миннатдорлик билан таъкидлаб айтишни ўзимнинг бурчим деб билман.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб, мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича амалга ошираётган кенг қўламли ишларимиз бугунги кунда ўзининг ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизга мамнуният бағишлади.

Ортимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг микдор ва сифат даражаси тубдан ўзгариб, уларнинг умумий сони 1 минг 250 дан ошиб кетгани, рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқларининг улуши ва таъсири тобора ортиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Хусусан, энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда

ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенг тармоғи шаклланиб, самарали фаолият олиб бораётгани жамиятимизда фикр ва қарашлар ранг-баранглигини, ўзаро ижодий мусобақа муҳитини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Буни мавжуд теле ва радиоканалларнинг 66 фоизини, босма нашрларнинг эса 50 фоиздан зиёдини айнан нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этиши ҳам тасдиқлайди.

Бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмиш тараққиёт тоған замонавий демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини янги босқичга кўтариш, матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш, бунинг учун авваломбор уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур манбаларга эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган фикр ва ғоялар асосида изчил амалга оширилаётган ишлардан, ўйламанки, сизлар яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, мазкур концепция негизда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида", "Телерадиоэшитиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қарорлари тўғрисида" ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини сиз, матбуот вакиллари, муҳим фаол иштирокида тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган Президент қарори оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдида ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Албатта, ҳар қандай янгиликни, ўзгариш, шу жумладан, ахборот соҳасида ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаётимизни, иқтисодий ҳаётимизни бошқариш тизими, мамлакатимизнинг тараққиёти, унинг ўсиш суръатлари ва самарасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш кундалик оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситалари ва бу соҳада хизмат қилаётган ходимлар олдида турган энг муҳим вазифаларни баҳолар эканмиз:

Биринчидан, доимо изланиш, қўлга киритилган ютуқларга берилмасдан, уларга маҳлиё бўлмасдан, мақтанмасдан, кимнидир улуғлаш йўлига ўтмасдан, авваломбор, маррани билан қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва ҳолис акс эттириш талаб қилинади;

Иккинчидан, ҳаммамизга аёнки, ўз олдида мақсад қилиб қўйган марраларга эришиш учун журналист ўзини яамасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаши, меҳнат қилиши, турли синовлардан муносиб ўтиши зарур;

Учинчидан, бундай юксак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойлик ва жасорат керак, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан;

Тўртинчидан, ўз касбига садоқатли бўлиш, уни севиш, авваломбор, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун журналист бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиши, ўз ҳаётини принципларидан қайтмасдан, виждон амри билан яшаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир таклифни сизлар билан ўртоқлашни жоиз, деб биламан. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун биринчи навбатда самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб борса, менинг назаримда, айни муддао бўлар эди.

Бунда, айниқса, таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият бериш ўринлидир. Бундай муносабат, ўйламанки, журналистларнинг оғир меҳнатини эътироф этиш ва қадрлашда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечиш учун жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Айтиш керакки, одатда газета-журналларимизда, телерадиоканалларимизда кўпчиликни ўйлантираётган долзарб мавзулар кўтарилди, лекин уларга нисбатан давлат ва ҳокимият вазифаларида ўтирилган, жамоатчилик вакиллари томонидан етарлича аҳамият берилмаслиги туфайли улар кўпчилик эътибордан четда қолиб кетади. Бундай ҳолат, масалага панжа орасидан қараш, аввало, шу мақола ва кўрсатувни юрагидан ўтказиб, катта меҳнат билан тайёрлаган журналист ва муаллифларнинг ижодий изланишларига салбий таъсир кўрсатиб, қўлини ишдан совутиб қўяди. Энг ёмони, бу чиқишларда кўтарилган масала ва муаммолар бундай бепарволик натижасида эски ҳолида ўзгармасдан қолиши иқтисодий ҳаётимизда ва ҳаётимизга катта зарар етказиши мўқаррар.

Таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини кучайтириш кўзда тутилган бундай тажрибани жорий этишни, шу асосда матбуот орқали танқидга учраган ташкилот ва корхоналар, мансабдор шахсларнинг ўз ишига ҳолисона кўз билан қараб, мавжуд ахволни тузатишга ҳаракат қилишини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қатъий қилиб қўймоқда.

Бу ўз навбатида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналист аҳлининг ижтимоий ҳаётимизда, жамоатчилик ўртасида хурмат-эътибори, айни пайтда масъулият ҳам ортисига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва натижаларни тан олаётган, эътироф этаётган бир пайтда биз оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам бошқалардан кам бўлмасдан, ана шундай юксак марраларни эгаллашга албатта қодирмиз, десам, ўйламанки, сиз, азияларнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамisha қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва кўмак беришга тайёр эканмиз, уларни ўзимнинг энг яқин ҳамфикр ва маслақдошларим, деб билишимни изхор этмоқчиман.

Бугунги хурсандчилик кунда сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий кутлаб, барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, ижодий камолот тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



«Майсаранинг иши» спектаклидан кўриниш. Режиссёр Аброр Ортиқов.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди

Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллий оммавий ахборот воситалари ривожига қаратилаётган улкан эътибор соҳа ходимларидан янада фаолият ва изланувчанликни, оғоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшаш ва меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Мамалякамизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган айни пайтда бу жиҳатлар янада ёрқин намойён бўлмоқда.

Ўзбек Миллий академик дра-

матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳамюртларимизнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб бораётганини таъкидлади.

Давоми иккинчи саҳифада.

ХАЛҚНИНГ ГҒАМХЎРЛИК КИТОБИ

Дақиқалари, соатлари, ойлари шошқин, тошқин ҳаётда одамлар ҳар қарларга шошиб яшайди. Кимдир ишга шошади, яна биров ўқиган, бошқаси мусобақага, тadbирга, учрашувга... Лекин ҳамма бараварига шошаладиган, ҳаммани баравар иссиқ бағрига ҳаминча чорлаб турадиган бир ошён борки, бу — Оила. Оила кун бўйи яхшиликларга сарфланган қувватнинг ўрнини меҳр-муҳаббат туйғулари билан қайта қувватлантиради. Ҳар кун янгидан яшай бошлашинг, орзу қилишинг, мақсадга интилишинг учун куч беради. Оила — паноҳ. Сенинг туйғуларинг, ҳиссиётларингнинг интизом доирасида асраб туради. Аслида тўрттагина ҳарфдан иборат бу тушунчанинг минг бир таърифи, минг бир қирраси бор. Лекин барча таърифлар замирида яхшилик зоҳир.

Улуғ маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитратнинг оила ҳақидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга: "Дунёда иззат ва саодат толиби бўлмаган бирорта қавм йўқ. Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизому ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизому таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади". Кўриниб турибдики, оила деганимиз, баъзилар таъкидлаганидек, ўта шахсий ҳодиса эмас экан. Ундаги ҳар жараён жамиятда акс этар экан. Шу жиҳатдан оилага ижтимоий ҳодиса деб қарашимиз, уйимиз ичкарисидан кечаётган ҳаёт учун ҳам жамият олдида ўзимизни жавобгар, бурчли ҳис этишимиз зарур экан.

Аслида биз жуда қадим замонлардан буён оила бўлиб яшай келган халқимиз. Йиллар синовдан ўтган неча юз йиллик чиройли аъналаримиз, удуларимиз бор. Уларнинг энг чиройлиларини асраб қолиб, замон руҳи билан бойитиб, авлодларга қолдириш ҳақида бу йил "Мустаҳкам оила" йилида яна ҳам теранроқ ўйлашимиз зарурга ўхшайди.

Дейлик, Хоразмда бир одад бор: хонадонда чақалоқ туғилса, қўни-қўшнилар навбат билан янги енгил бўлган келинчаки ўзигагина лойиқ таом билан йўқлаб туришади. Кимдир битта тақсимчада қовурилган тухум, кимдир лаганчада тухумбарак пишириб чиқади. Заифлашган аёлга чилласи чиққунча дармонга киритиш учун берилган мадад бу. Ниҳоятда оқилона удум. Ёки Наманганда бирор хонадонга олисдан меҳмон келса, қўшнилар тарафдан шундай йўқланади. Бу ҳам оилани қўллаб-қувватлаш.

Оила — аяурт таянчи

Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

“1929 йил. Феврал ойи. Қор ўқунлаб турибди. Отам Пскентга борадиган бўлибди”, — дея ҳикоя қилади таниқли журналист, ҳаётнинг асосий қисмини болалар журналистикаси ривожига бағишлаган Ҳафиззоҳона опа Ҳайитметова. У кишининг айтишича, оталари Шарофхўжа қори улфатлари билан отда йўлга чиқибди. Қиш куни бир тутам. Бир қишлоққа борганларида кеч тушиб-

Оила — эл-юрт таянчи

ди-да, бир оилага меҳмонга киришибди. Шарофхўжа қори дўқондор, ўзага тўқ. Устига устак бу йўллардан Пскентдаги ерларига кўп ўтгани учун бой-бадавлат одамлар яхши танишар экан.

— Бизникога кўнинг, қори ака! — дея уни меҳмонга таклиф қилувчилар кўп бўлар экан.

Лекин Шарофхўжа қори атайлаб қўли юлқароқ оилага кўнар экан. Узи билан олиб кетаётган озиқ-овқатлардан шу оила ҳам баҳраманд бўлсин, қозони қайнасин, дер экан.

Уша кеч ҳам Қудрат исми йигитникида кўнибди. Кечаси ётишдан аввал отига бир қараб кўяй деса, Қудрат қашка отнинг пешонасини силаб, кўзларига термулиб турганмиш.

Тонгда яна шу ҳодисага кўзи тушибди. Эрталаб «Қуллуқ, яхши қолинг, нон-тузингиз, хизматингизга рози бўлинг», «Бегина боринг, яна келинг» каби мулозаматлардан сўнг қори йигитга:

— Қашкага мининг! — дебди. Қудрат довдираб турган экан, шериклари:

— Қори ака битта гапиради, мин дедими, мининг, — дейишибди.

Қудрат отга мингач:

— Қани, омин. Тупроқ олсангиз, олтин бўлсин. Шу отни пийсабиллох сизга бердим, — дебди...

... Қори пийда қолгач, шериклари ҳам отга минмай, яёв изма-из келишар экан, кўнанинг бошида Қудратнинг қўшниси Ризаматхўжа от етаклаб турганмиш:

— Шарофхўжа ака, қани отга мининг. Кечаси дилбар суҳбатларингизни тинглаб, ўқиган ҳикматларингизни эшитиб, шу отини сизга ҳада этишни дилимга тугиб қўйгандим, — деган экан...

Шарофхўжа қори каби инсонлар қиёфасида давом этган саховатпешалик бугун жамиятимизда, яхши маънода, катта тўлқинга айланмади? Хомийлик асосида ўтказилаётган никиҳ тўйлари, суннат тўйларининг илдизлари, одамлар, ёшлар, болаларнинг қувончлари ана шу саховатпешаликка бориб боғланмайдими?

Ёки бошқа бир воқеа. Бу Фаргона вилояти, Қува тумани, Акбаробод қишлоғида бўлиб ўтган. Усмонли тоға ҳайдовчиси билан дўқондан чиқса, «Волга-сининг тасодифан очқас қолган эшигидан бир болакай кириб, ичини титқилаётганмиш. Ҳайдовчи ўсмир болани шартта ушлабди.

— Э, бу болага олдин ҳам кўзим тушган, расталардан у-бу олиб қочи юради, мелисага бериб юбориш керак, — дедди ҳайдовчи.

— Отинг нима? — деб сўрабди Усмонли тоға.

— Мусо.

— Қаерда турасан? Ота-онанг борми?

Бола сағир, ҳар қимникида бир ётиб юраркан.

— Қани, ўтир машинага. Аввал маҳалланга бориб, рост гапирдингми-йўқми, аниқлаймиз, — дебди Усмонли тоға.

— Қўйинг, бу боланинг суяги ўғирликда қотиб бўлди. Уни инсофга келтираман, деб овора бўлманг, мелиса бериш керак, дарров бурнига сув киритиб қўйишади, — дебди ҳайдовчи.

Усмонли тоға боланинг маҳалласига борибди, ҳақиқатан қаровсиз экан, қариндошлари узоқда, отанаси ўлиб кетган.

— Мен сени уйимга олиб кетаман. Болаларим қатори бола бўласан, — дебди Усмонли тоға. Уйига олиб келгач, «Бирортан ўғри, етим, деган гапларни тилга олмайсан» деб оиласига тайинлабди. Мусо шу оилада улғайибди, касб-корли, оилали бўлибди.

Мен институтни тугатиб, Акбаробод қишлоғида муаллимлик қилганимда шу Усмонли тоғанинг уйда яшаганман.

Тоғанинг неваралари «амаки», фарзандлари «ака, ука» деб атайдиган Мусон ақанинг бу оилага тамоман бегона эканлигини мутлақ сезма-



Фарзанд билан ҳаёт ширин. Фотоэпд.

латни ҳам ичдан емирувчи иллатдир. Замон шитоб билан ўзгармоқда. Аъналар янгиламоқда. Кеча оналари тиззасига гулшашта қўйиб, «Шоҳсанам-Ғариб» дostonидан ёд айтиб қизларининг кўнглини, қўлини тарбиялаётган бўлса, бугунги оналар

миллатмиз. Лекин ўша баландликларда ҳам отга ҳавасманд, лекин отга етолмаган Қудратга ўзи миниб кетаётган тулпорини ҳада этган Шарофхўжа қориларни, қаровсизликдан қўли, йўли эгрликка тойрилган болакайга «эр», «от», «инсон» деган қутлуғ номиларни бахш этган Усмонли тоғаларни, «лафз» сўзининг оҳори тўқилмасин деб ўттиз тангалик мулкни уч тангага бериб юборган Салоҳиддинбой акаларни унутмасак, шундай аъналарни елкасида опичлаб авлодларга етказсак, дейман.

Устозимиз келинлик файзалари ҳақида гапирганларида бир воқеани бот-бот такорлайдилар:

— Янги келинчақ уй юмушларидан тиниб, қайнота-қайнонанинг дуоларини олиб, уйига кирганида куёв уйкуга кетган бўлар экан. Эр киши-да, давлат ишлари, рўзгор юкки... Келинчақ ёрнини уйғотиш учун қўлгоғиди балдоғининг шокиларини шилдираётган экан. Бу балдоқни заргарлар «Кўёв уйғотар» дейишар экан...

Бир қарашда ҳеч нарсасиз туюлган у оддийгина манзара замирида қанчалар чуқур нозиклик бор, буни фақат кўнгил билан англаб, кўнгил билан сунуиш мумкин. Бу тарздаги кўнгил севинчлари бизда ҳудуд кўп. Оила аталмиш гўлсўзли китоб ҳақи-

фасидаги бундай ёзувларни ўқиган сайин, уққан сайин ўзимизга ўхшаб борамиз. Дунёда миллиат кўп, лекин ўзига ўхшаб тургани, ўзлигини сақлаб ашаётгани кадр топади.

Бизнингча, Президентимиз 2012 йили «Мустаҳкам оила йили» дея эълон қилганида оила ва жамият фаровонлиги, тўқилмаси, юксалиши билан боғлиқ жуда кўп режалар қатори ўлмас ва қадим қадриятларнинг умрига умр қўшилишини ҳам назарда тутган, албатта. Чунки оила бу миллатни миллат сифатида ушлаб тургуви гўзал қадриятлар асралидиган ҳазина. Оила — тарбияхона, меҳнатхона, маърифатхона.

Унинг кўркли, нурли таърифларини кўпайтириш энди сизу бизга, сизу биз тарбиялаётган фарзандларга боғлиқ.

Оила...

Унинг кўркли, нурли таърифларини кўпайтириш энди сизу бизга, сизу биз тарбиялаётган фарзандларга боғлиқ.

Унинг кўркли, нурли таърифларини кўпайтириш энди сизу бизга, сизу биз тарбиялаётган фарзандларга боғлиқ.

Унинг кўркли, нурли таърифларини кўпайтириш энди сизу бизга, сизу биз тарбиялаётган фарзандларга боғлиқ.

Унинг кўркли, нурли таърифларини кўпайтириш энди сизу бизга, сизу биз тарбиялаётган фарзандларга боғлиқ.

Унинг кўркли, нурли таърифларини кўпайтириш энди сизу бизга, сизу биз тарбиялаётган фарзандларга боғлиқ.



Кутлибека РАХИМБОВЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ҲАҚҚИНИНГ ГўЛСўЗЛИ КИТОБИ

ганман. Фақат раҳматли тоғамиз дунёдан ўтганларида Мусон ака:

— Дадажон, сиз бўлмаганингизда мен ўғри ё каззо бўлардимми? Бошқалар сиздан бир марта рози бўлса, мен минг марта розиман! Болачақамнинг ҳаёти, бахти учун қардорман сиздан! — деб йиғлаганларидагина бу сир тағига етганман... Усмонли тоға қиёфасида давом этган раҳм-шафқат туйғуларини «Сен ёлғиз эмассан» тарзидаги катта бир ижтимоий ҳаётга, ижтимоий эврилишга айлангани бизнинг бугунги эзгуликларимизнинг аксарияти оила билан боғлиқлигини, оиладан бошланганини кўрсатади.

... Салоҳиддинбой маҳобатли иморатини сотувга қўяди. Харидорлар тўпланганида:

— Неча пул сўрайсиз? — деган саволга бой:

— Уч танга, — деб юборади. Бехос, шошганидан айтилган бу баҳо атрофдагиларни таажужга солиди:

— Адашмадингизми? — дейишди. Салоҳиддинбой аслида ўттиз танга демоқчи экан, лекин шошилиб айтган гапини ҳам қайтиб олмайди.

— Гапиниз гапми? Уч тангага сотдингизми? — дебди харидор.

— Ха, сотдим.

“Бор барака” дея қўл ташлашлардан сўнг ёнидагилардан бири:

— Бой, адашиб айтиб юборибман, десангиз бўларди-ку, — деса, Салоҳиддинбой:

— Менинг лафзим ўттиз тангандан қиммат туради. Лафз қилдимми, қайтайман, — деган экан.

Ривоятга ўхшаган бу воқеани нега оила ҳақидаги фикрларимнинг давомига уладим? Чунки оила аъзолари бўлмиш шахсларнинг «лафз» тушунчасини қадрлаши катта аҳамиятга эга. Лафз ҳам, ҳаё, ибо каби халқимизга хос қадрият. Лафзсизлик, бевурдик фақат оилаларни эмас, мил-

қизларини сузиш ҳавзалари, теннис кортларига етаклаб юрибди.

Урганча хизмат сафари билан борганимда Олимпиа захиралари коллежининг спорт мажмуаларини айландим. Талабалардан ташқари шу яқин атрофдаги маҳалла болалари дарсдан сўнг турли спорт турлари билан шуғулланишар экан. Муқаддас исми келинчақ уч ёш, беш ёш иккита қизчасини кутиб, чеккадаги махсус ўриндада ўтирибди. Қизалоқлар гимнастика билан шуғулланишармоқда. Демак, оилаларга соғлом ҳаётга интилиш руҳи қириб бормоқда. Бир пайтлар Австралияга бориб келган бир танишимиз:

— Ишдан кейин ҳамма кўчада. Кимдир теннис ўйнайди, кимдир волейбол... Йўлак бўйлаб чапаятганлар ҳам кўп, — деган эди.

Ҳозир ўзимизда ҳам — шу. Спорт ҳаётимизнинг асосий қисмига айланган. Яқинда сузиш бўйича бир неча халқаро мусобақалар бўлиб, Зулфия номидаги Давлат муқофоти лауреати Шоҳида Зоҳидованинг онаси Салима Зоҳидова билан ҳамсуҳбат бўлдим. Олти ёшидан буён қизини машқ майдонларига етаклаб юрар экан. Мусиқа, рассомлик бўйича совриндор ўғил-қизларимиз, фан олимпиадалари гўлиблари бўлган фарзандларимизнинг ҳам илк ишончли қадамлари оила муҳитидан бошланган.

Техника ўрганиши, тил ўрганиши — бугун болаларимиз яшаётган ҳаёт бекатларининг номири бу.

Бугун бизга қизик туюлган, оиладаги, жамиятдаги яшаш тарзимизга мазмун бераётган бу бекатлар эртага оддийга ўхшаб қолар, балки... Фикратимизни яна ҳам мураккаб янгиликлар банд этар... Бу — табиий. Чунки биз ўсаётган, ривожланаётган, тикланаётган

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Йилнинг энг фаол журналисти - 2011» танлови ғолибларини эълон қилади:

Танлов ғолиблари:

1. **Шаҳзода Акбарова** — «Аёл ва жамият» газетасининг махсус мухбири (Наманган вилояти).

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, аёллар ўртасида қичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар кенг ва таҳлилий ёритилган мақолалари учун.

2. **Сергей Левченко** — «Народное слово» газетаси бўлиб муҳаррири.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барқарор иқтисодий, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган туркум материаллари учун.

3. **Йўлчи Мухаммадиев** — «Оқдарё овози» туман газетаси муҳаррири (Самарқанд вилояти).

Вилоят ва туман миқёсида амалга оширилаётган кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги мақолалари учун.

4. **Комила Султонова** — ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти муҳаррири.

Мамлакатимизда тинчлик ва ҳафсизликни барқарор таъминлаш, миллатлараро тотувлик, амалга оширилаётган янгилашиш

лар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишга қаратилган курсатувлари учун.

5. **Гулнора Турдишова** — «Қарақалпоқстан жаслари» газетаси бўлиб муҳаррири.

Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга оид туркум мақолалари учун.

6. **Мухаббат Тўрабоева** — «Ишонч» — «Ишонч-Доверие» газеталарининг Хоразм вилояти бўйича мухбири.

Мамлакат таълим тизимида қўлга киритилган салмоқли ютуқлар, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари, ёш авлоди Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган материаллари учун.

7. **Муқаддас Фаёзова** — НТТ телеканали «Парламент соати» курсатуви муаллифи ва бошловчиси.

Ўзбекистонда парламентаризмининг шаклланиши, қонун ижодкорлиги, миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган туркум курсатувлари учун.

8. **Роҳиля Юсупова** — ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали Маданий, маърифий ва бадий эшиттиришлар муҳарририяти бўлиб муҳрири.

Халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси, аёнана ва қадриятларини асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, уларни ёш авлод қалбига синдириш, одам савдосига қарши кураш ҳамда қонуний

ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАЙДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Демократик талабларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини эркин ривожлантиришни, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминламоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 395 та бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1250 тани ташкил этади. Мустақилликка қадар республикадаги мавжуд барча медиа тузилмалар — газета, журнал ва телерадиоканалларнинг муассислари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эди. Эндиликда юртимизда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг 60 фоиздан кўпроғи нодавлат тузилмалардир.

Соҳага кўрсатилаётган ғамхўрлик самарасида телерадиоканаллар фаолиятига замонавий рақамли ахборот технологиялари жорий этилмоқда. Қадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда юртимизда интернет журналистикасининг жадал равнақ топаётгани фуқароларнинг тезкор ахборотларга бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлаш, мамлакатимиз ҳаётига оид янгилик ва воқеалардан жаҳон жамоатчилигини ўз вақтида хабардор этишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илғари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий журналистикани замонавий асосда равнақ топтириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш ишлари, телерадиоэшиттиришларга оид миллий қонунчилигимиз давр талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори барча медиа тузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқа-

руви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатилган янги имкониятлар очмоқда.

Соҳа равнақи йўлида улкан имконият ва қўлайликларнинг яратилиши, ушбу машаққатли ва шарафли касб эгалари меҳнатининг доимий эъзозлини, рағбатлантирилиши ижодкорлардан фаоллик ва қатъиятни, ўз фаолиятига ҳаққоний, чуқур таҳлилий асосда ёндашишни, жамият, халқ, Ватан манфаатларининг том маънодаги ҳимоясис бўлишни талаб этмоқда. Айни пайтда мустақиллигимизни, юртимиздаги барқарор ва осон ҳаётни, турли миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини кўз қорчиғидек асраб-авайлаш, жамият пойдевори бўлиши оилаларнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ёшларни миллий ҳаёт тарзимиз, маънавийтимизга ёт зарарли ғоялар, ноҳилис ахборотлар харури, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларидан ҳимоялаш вазифалари журналистлар олдига доимо маънавий уйғоқ бўлиши, жамият олдидаги масъулиятни янада теран англашдек улғувор талабларни қўймоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили соҳа ходимларининг касб байрами арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови соҳада фидокорона меҳнат қилаётган, фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жаҳалларида кечаётган ислохотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи ҳамкасбларимизни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда маъруза кўрик-танловнинг жорий йилги ғолиб ва совриндорлари эълон қилиниб, уларга диплом ва қimmatбод совғалар топширилди. Сўзга чиққанлар журналистлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги ижодий марралар сари руҳлантириш йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга катта ҳисса қўшаётган журналистлар тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова, А.Арипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Яхши ташаббуснинг қаноти бўлади, деб бежиз айтилмаган. Янгиликка, яхшиликка йўл очувчи ҳар қандай тадбир ўз атрофида мингмиглаб муҳлисларни йиғиши табиий. Қуни-кеча консерваторияда бўлиб ўтган «Марди майдон» жонли ижродаги қўшиқлар фестивалининг навбатдаги концерти бунинг ёркин далилидир.

Маълумки, бу фестивалда эстрада, аънавий ижрочилар ва академик вокал йўналишида ижод қилаётган ёш истеъодлар қатнашадилар. 2011 йилдан буён ўтаётган

ЖОНЛИ ИЖРОЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

ЖОНЛИ ИЖРОЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

жонли ижроларнинг самийи кутби олдилар. Айниқса, Суннатилла Раҳмонов ижро этган «Сен қайдасан?» (Ўткир Раҳмат шейри, Дилором Омонуллоева мусикаси) ва «Нихол» муқофоти совриндори Адолат Қўлдошева ижросидаги «Этмасдим» (Фузулий ғазали, Комилжон Жабборов мусикаси) қўшиқлари гулдурас қарсақларга ва «Фарин», «Яшанг» деган эътирофларга сазовор бўлди. Бу икки хонанда овозидаги шира, ижротадаги нола-қочиримлар, ижро маданияти кўпчиликлари катта таассурот қолдирди.

Мехмон санъаткорлардан Алишер Файз ва Жасур Мирсоатов ижро этган «Она», «Гулёр», «Ўзбекистон боласи», «Тумарис» қўшиқлари бошловчи ижодкорлар учун намуна бўлди.

Дастур давомида хонандаларга жўр

бўлиб турган Фарход Абдуллаев раҳбарлигидаги «Истиқлол» оркестри концерт бошланиши ва якунида «Бахт» ҳамда «Мухаббат изҳори» (Ф.Абдуллаев) куйларини маҳорат билан чалиб, муҳлисларни ҳушуд этди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Tera-Group» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда 2011 йилдан буён ўтказиб келаётган «Марди-майдон» фестивали ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг профессионал малакасини ошириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Концертдан-концертга иштирокчиларнинг сони ортиб бориши билан бирга, жонли

ижродаги қўшиқларнинг муҳлислари ҳам кўпайиб бормоқда.

Тадбирнинг яна бир янгилиги шундаки, мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб «Истиқлол» санъат саройида сентябр ойида мазкур фестивал лауреати ва истеъодли қатнашчилар иштирокида илк бор «Сен шарафлаймиз, Ўзбекистони» деб номланган жонли ижродаги гала-концертни ўтказиш режалаштирилган.

Хуррият АБДУЛЛАЕВА



НАЗАРНИНГ ЯНГИЧА НАЗАРИ

Назар билан бирга Қамашининг Лангаротасига борганимиз. Ўқир-чўқир тош йўлдан сой сувига интилаб тушган қишлоқлар орада...

Одамнинг туғилган, униб-ўсган жойлари унинг рухияти, фикрлаши, феъл-атворига бир умрлик таъсир ўтказиши бор гап...

Икки оғуз аил сўзи

Дарсини тайёрлаб, китоб ўқишга ҳам фақат кечалари билан бешлашган асарлар билан яратган улкан ёзувчи бўлиб етишишда ибратли бир ҳикमत бор...



Назар Зокиров

Энди баянда тоғлар, эркин даштларга қайтасан. Уларнинг экинлари адиб асарларида эсиб туради. Унинг илк қиссасиёқ қаҳрамонларининг хос феъл-атвори...

Зеро, ёзувчининг истеъдоди унинг қанча ёшга кирганига қанча қиссаю романилар яратгани билангина эмас, балки бадий тафаккурга қандай ўзарғиши...

Назар, ҳеч шубҳасиз, шундай янги жараённинг фаолларида. Адабиётимизнинг кейинги авлодлари орасида тубдан ўсиб келадиган пойдор истеъ-

додлардан бири. Бу адиб мисолида адабиётимизнинг бир жойда турган эмаслиги, ўз қонунияти бўйича ўсиб, таракли топиб, янги кенгликларга чиқиб кетганини ургўлаш мумкин.

Ижодкорларни қамтарона ҳизматлари қанча қўриб-ўрғишга қўйиб гапириш ҳаққиди талабига айланганини назарда тутиб айтадиган бўлсак, ҳеч музолафасиз, Назар Эшонқул бадий тафаккур ўзларини янгилаб, аллақачон талай қисса ва хикоялари билан эътибор топиб, адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, ёшга қарамай кўп-кўп мисолдан олдинга ўтган ёзувчи.

Самсонинчи йиллар ўрталарида «Уруш одамлари» ни ўқиб, қўлга олган қаламини энди кўрсатган, ҳали тажриба тўлаб улгурмаган йигитнинг вазим фикрлаши ва аниқ тасвирларида қандайдир эпик кенгликларни туйиб жуда таъсирланган, муаллифининг келажикга ҳавасим келган эди. Шундан бери Назарнинг ижодини кузатиб келаман. У билан дўстлашдик, анча йиллар билан қўлаб телекўрсатувлар қилдик, «Дунё адабиёти» рўкнида эфирга берган кўрсатувларини ҳўп томоша қилганман.

қўрсатишга интилиш эгаллаб бораверди, оқибатда одам ўз табиийлигидан, мустақиллигидан маҳрум бўлади, деган гоя етакчилик қилади. Киши характеридоғи самимилик ва росттўйлик ўрнини иккиозламачилик ва ёлғон эгалласа, унда қалб эркинлиги, эзгуликка интилиш истаги барҳам топади, деган теран ҳаётий масалка ҳам китобдоғи асарлар мазмун-мундарижасига сингдирилган. Мана шундай ҳусусиятлари ҳамда айрим қусурларга эгаллиги туфайли ҳам ёзувчи қаҳрамонлари ўқувчининг ёлғон қолади. Уларнинг аксарияти аслида имон-эътиқодли одамлар бўлгани боис зиддиятлар тўфониди ҳам худшухлигини йўқотмайдилар. Ана шу фазилатлари билан «Алиvido, гўзаллик...» китоби ўқувчи қалбини забт эта олади, деб ишонамиз.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ, филология фанлари доктори

Аҳмад АбЗАМ

«Мафтунингман» кинофилмидаги бир қувноқ кўшиқ шу сўзлар билан бошланади. Унда Алижон исми сартарош дўқониди рақс тушиб кўшиқ айтади. Бу устага фарқи йўқ: «Қир!» деса, бас, кексами-ёшми, дарров барчанин сочини қириб-қиртишлаб қўйишга шай.

Сочни тап-тақир қилиб олиб ташлаш ҳаммагининг қўлидан келади. Аммо ундан бошқасини уддалаш қийин. Ҳар бир эл кишининг соч ўстириб, соқол-мўйол қўйишда бир талай ўзига хосликлар бўлади ва шунинг учун ҳам уни шу миллат вақилдан чиққан сартарош қўнидагидай қилиб кузайди, бошқаники — бошқача. Чунончи, ўзбек қизлари дўшпа тикади, уларга «Кел энди, шапка тик», деб топшириқ бериш ўринсиз.

Бир ўқувчилар саройида адабиёт тўғрагини бошқараётган шoirнинг: «Мен бу ишни ташладим. Сабоби, бу эрининг рақобатлари шёр тўкиш билан пайлоқ тўқишининг фарқи оз, деб билишаркан», деб ёзгани эсимда. Кейинроқ ўзим ҳам шундай муаммага дуч келдим. Бир институтда таржима амалиётидан дарс бераётган эканмиз, шу даргоҳнинг мутаассаддларидан бири: «Ҳозиргача рус тилидан ўзбек тилига ўғирганиш ўргатдингиз, бўлди, етарли. Энди ўзбекчадан рус тилига таржима қилишдан сабоқ берсангиз, чуқри студентларимиз иккала тилни ҳам яхши билишадилар», деб қолса бўладими! У кишига: «Русчадан ўзбек тилига таржима қиладиган одам бунинг аксини қила олмайди, башарти бунга қўл урса, бекорга овера бўлади», деб уқтиришга уриндим, аммо сўзим ҳавога кетди.

Бу гапларни айтишдан мурод — бадий таржима тўлиғича бадий ижод, ҳеч қандай йўқ, деган фикрни таъкидлашдир. Ахир, ўзингиз ўйланг, бировга «Сен италиян шоири бўлсанг-да, инглизчани ҳам яхши ўргангансан, энди инглиз тилига таржима қилавер», деб бўлмайди-ку? Аммо ўн-ўн беш йилдан бери бир талай адибларимиз қачон таржима ҳақида мақола ёзсалар, ё мажлис-маъракада «чиқиш» қилсалар, пировадидида яқнаш: «Ҳозир кўп олий ўқув юрталарида талабалар чет тил ўрганяпти, рус, инглиз, олмон ва французчадан ташқари, япон, хитой, корейс, хинд, араб, урду тиллари ҳам ўргатиляпти, демак, бу ёшлар ҳадемай ўзбек адабиёти намуналарини ана шу тилларга ўғиришга ҳам киришадилар, негаки бу давр талаби...» каби илинж-тилакларни бот-бот изор этишадиган бўлиб қолди.

Шоҳсий мулоҳазалар

Дарвоқе, кимларнингдир ўзбек тилига тиши ўтмагани боис, не-не асарларимиз ўша тилларга таржима қилинмаётган бўлса, русларнинг «Тоғ пайгамбар олдида келмаса, пайгамбар тоғнинг олдида боради», деган мақолидаги каби уларга асарларимизни ўзимиз таржима қилиб бермасани кимпти? Шу орада ўзбек миллий ҳаётига оид ўзига хосликлар бузилмай, тўғри ақл эътиди ва ҳоқозо ва ҳоқозо...

Бу тушунарли ҳолат — ижод аҳли борки, эътироф этилишни истади. Шу сабабликам, Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Таржима кенгашининг диққат-эътибори ҳам кейинги йилларда асосан шу масалаларга қаратилляпти. Ижодкорларимизнинг асарлари бошқа тилларда ҳам янраб, номлари оламга тараллишни фақат уларнинг ўзларига эмас, биз ҳам орзу қиламиз.

«Аммо... одам бир тилни билса, шу тилда бахузур ижод қила берадими? Бошқа миллат тилини қўтарилиб, дуч келган бир ўзбекча, сен ўзбекчага билсан-ку, кел энди, хикоя ё шёр ёз, асақан кетмайди десақ, қандақ бўларкан? Ҳатто ўз она тилида тўрт қатор шёр ё тўрт энлик қатра ёзиб кўрмаган, бор-йўғи ў ёки бу чет тилини бир қадар ўрганган бола бошқа бир тилда қандай қилиб бадий асар яратсин? Етти иқлим наридаги бир халқнинг тилини эндигина ўрганиб, фикрини ўша миллат кишисига оздир-кўндир тушунирга бошлаган йигит ё қизга бирон хикоя ё достонини ўша тилда бадий қайта тиклашни юклаб бўладими?»

Тўғри, бирон саялани ишлаш ти тартиби баён этилган йўриқнома матнини қайсиқдир чет тили яхши билидиган одамга таржима учун топшириш мумкин — мазмун тўғри ақл эътираси. Аммо бир талабага Мўқимий газалларини испанчага, бошқасига Чўлпон шёрларини япончага ўғиришни юклаш-чи? Эҳтимол топширсангиз, бола бир амаллаб

таржима қилар ҳам, аммо уни биров бадий асар сифатида ўқимайди. Чунки таржимонлик ўта миллий ва... сартарошликка қараганда минг чандон теранроқ нарса, у фақат шу миллат кишининг бадиий тафаккури меваси бўлиб юзага чиқади. Бадийят ўта миллий нарса эканига далил шуки, у ёки бу миллат вақилларининг ақл-заковати, илм-билими, дунёқарашини бошқа тилда ифодалаш мумкин, аммо миллий ҳаёт тарзи, ҳис-тўйгуларини ўзга тилда ҳатто хирароқ ҳолда ҳам ақс эттириш амри маҳол, боз бу ҳис-тўйгулар адабий-бадиий ифода топан бўлса — имкандан хориж бир нарасадир.

...Яқин-яқингача Тошкент аэропортига кетаверишда, йўл ёқасидаги тўққиз қаватли бир уйнинг ён деворидида рангли қошинлар ёпиштириб ясалган улкан бир мозаика бўлар эди. Унда салла ўраган бир ўзбек чол қиёфаси ақс этган. Ўта миллий тас-

“КАМИНАНИНГ НОМДАРИ...”

вирга ўхшайди. Лекин ажабки, чолнинг кўзи ўзбекнинг кўзига ўхшамас, европолик кишиларга хос эди. Демак, ўрис расом, минг уринмасин, ўзбек кишини тасвирлай олмас экан.

Ёзувчиларида эса инчунин. Бошқа миллат кишининг кўзини ҳам бир амаллаб аслига мувофиқ қилиб тасвирласа бўлар, аммо унинг кўнгли кечинмаларини, воқеликка муносабатини, ҳатти-ҳаракатини, миллий урф-одатларини шу миллат адиби сингари ҳис этиш амри маҳол. Ҳатто бир умр русча муҳитда ўсган (туғилганида онасида алла ўрнига «баю-баюшки» эшитиб руҳи шакланган, русча асли ва дет-садда камол топиб, русча мактаб ва институтларда билим олган, оилада фақат русча гаплашиб, ҳозирда бир неча неварига «дедуля» бўлиб юрган, ҳатто туши ҳам ўрисча бўладиган) ўзбеклар ҳам рус тилида ижод қилишга қодир эмас — ўта нозик ва бениҳоя табиий ўрисча нимадир етишмайди уларга.

Шу фикрни далиллаш учун яна бир мисол. Рус ёзувчиси Леонид Соловьёвнинг Шарққа меҳри бўлакча эди. Шу таважжуҳ изохори сифатида у «Насриддин афанди Бухорода» номли қисса ёзган (ҳатто шу қисса сабаб бўлиб, Насриддиннинг ватани Бухоро, деган тушуна ҳам шакланган — Афандига айнан шу шаҳарда хайкал қўйишда бу қиссанинг таъсири катта). Шу асарда қуллол чолнинг ёлғиз фарзанди, соҳибжамол бир қиз образи бор. Аммо бу қиз тушмагурнинг қилқилари галати: ҳар қун эрталаб ҳовлидаги бир неча дарахт шоҳларига турли рангли лента осиб чиқади. Эртасига яна бошқа алвон ленталар. Билмадим, эҳтимол рус тили ўқувчи (ва ёзувчи) учун бу беҳад гўзал бир ҳол бўлиб туйилар, аммо биз фалончининг бўй етган бир қизи шунақа қилиб ўйнар экан, деб эшитсак, уни жиннига чиқарамиз, чунки ўзбекларда телбадан бўлак одам бунақа қилмайди. Айниқса, қисса воқеалари кечадиган замонларда.

Қиссанинг яна бир ўрнида мамлакат подшоҳи бўлмағур бир шёр ёзиб, уни сарой аҳлига ўқиб беради. Эшитган вазирадор дод солиб ёқа йиртдилар, баъзи аъёнлар азбаройи завқдан беҳуш бўлиб йикилишадилар... Асарда бошдан-оёқ шунақа алмойи-алжойи манзаралар қаторлашиб кела бера-

Узхуриддин ИСОМИДИНОВ

У хикоялари учун асос қилиб олган кичик бир воқеликка катта муаммоларни боғлай олади. Аммо бу муаммолар хикоянинг юқини огирлаштириб юбормайди, қаҳрамонини толиқтирмайди. Униси ҳам, буниси ҳам меъёрида берилди ва ечим ўқувчини қаноатлантиради. Бу фикрини адибнинг биргина «Безори» номли хикояси мисолида исботлаш мумкин. Асар воқеаси хикоя қаҳрамони Нўмонжоннинг ишонасидадан янги йил арчасига чипта билан муқофотланиши ва байрами кунини 1-синфда ўқиётган қизи Меҳринисини арча сайрига олиб бориши ҳақидадир.

Нўмонжоннинг рўзғориди ҳар

МЕҲР ИЗЛАГАН ОДАМЛАР

дом «ё у нарсига пул етмайди, ё бу нарсига пул керак». Рўзғордаги етишмовчилик туфайли эр-хотин ўртасида кунора бўладиган жанжаллар қизи Меҳринисини хуррак, тортинчоқ ва индамас қилиб қўйган. Ёзувчи ота-боланин янги йил байрами (бунинг устига Меҳринисининг туғилган кунини) сайрига чиқиши баҳонасида одамлар психологиясидаги иллатларнинг зарари оқибатлариға эътиборни қаратади. Дастлаб театр эшикбонининг қўпол муомаласи, қолаверса, шу ердаги спортчи йигит томонидан калтакланиши, автобусдаги чиптачининг кўзини лўқ қилиб, беписандларча ҳақоратлаши охир-оқибат Нўмонжонни «безорилик» қилишга мажбур этади...

Китобдаги аксарият асарларда баён биринчи шахс — «мен» тилидан олиб борилади. Бундай нутқ шаклининг қўлай жиҳати шундаки, у асар воқеаси ва қаҳрамони билан ўқувчи

Истеъдодли ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев хикояларидаги асосий персонажлар дастлаб воқеалар силсиласига жумбоқ тарзида қириб келадилар. Бунга муаллифининг янги «Алиvido, гўзаллик» номли китобига («Ўзбекистон» нашриёти, 2011) киритилган асарларида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Масалан, «Мен ҳали машҳур артист бўлиб кетаман! Юлдуз бўлиб кетаман!» Бу мактанчоқ ким бўлди? («Юлдуз»ликнинг шафқатсиз тўлови» қиссасидан). «Хаммаси оддийгина хазилдан бошланди... Қанақа хазил экан?» («Пул жодуси» хикояси). «Жанжал яна эрталабдан, нонушта маҳалидан бошланди...» («Энди нима қиламан?»). Бу жанжалнинг сабаби нимада экан? «Тоштемир аканин кўнгли темир йўл вокзалидеяқ беҳиж гаш бўлмаган экан» («Қишлоқлар»). Аслида инсоннинг ўзи бу оламда хануз ечилмаган жумбоқ эканлигини ижодкор сифатида Абдуқаюм Йўлдошев жуда яхши билади ва уни тасвирлашга масъулият билан ёндашади. Ёзувчи «дунёнинг эси мураккаб, энг ағлаш мушкул синга»ти хисоблаган одамзодни, иложи борича, бутун гўзалликлари, нафосати, қувонч қайғуси, фазилати-ю, иллати билан ранго-ранг бўёқларда тасвирлашга уринади. У ана шундай қийин ижодий жараённинг уддасидан кўпинчи муваффақиятли чиққан бўлса-да, айрим ўринларда кемтиклар, рангсиз манзаралар ҳам ураб туради. Бироқ таъкидлаш жоизки, бу ҳаётда қандай воқеалар юз беришидан қатъий назар, ҳар бир инсон учун у азиз ва муқаррамдир. Шунини назарда тутган адиб ўлим, тушқунлик, камситилиш, инкор, воз кечиш, четлатилиш, менсимаслик каби салбий ҳодисаларни ифодалаганда ҳам ўқувчи кайфиятида кўтарикиликни сақлаб қолишга, яшаш завқини чуқур ҳис этиш истагини кучайтиришга эриша олади.

Абдуқаюм Йўлдошев асарларида кимнингдир худбинлиги, манфаатпарастлиги, ғаразғўйлиги оқибатида бошқа бир кишининг бахтсиз бўлиши каби экстремал ҳодисалар

кўпроқ қаламга олинади. Масалан, Эржигит — ғаразғўй Акбарқулнинг, Тоҳир ва Зухра эса Эржигит лоқайдлигининг («Юракдаги из» қиссаси), Нафиса — мактанчоқ Садриддин «хофиз»нинг («Юлдуз»ликнинг шафқатсиз тўлови» қиссаси), Солиҳа кампир — ўз болалари очқўзлигининг («Кампирнинг дарди»), Нўмонжон — меҳрсизлик ва курс муомаланин («Безори»), Содик — ўйламай қилинган қалтир хазилнинг («Пул жодуси»), Шаҳло разилкининг («Видо зиёфати») қурбонига айланадилар. Бу жараён ёзувчи томонидан шунчаки тасвирланиб қолмайди, балки рўй бераётган ҳодисанин илдизи очилади, сабаблари кўрсатилади. Натижада, тасвирланаётган характер ўқувчи кўз ўнгиди ўзининг бутун қиёфаси билан намён бўлади.

Ёзувчи хикояларининг ўзига хослиги, янгилиги, айниқса, кичик насрий жанрга асос қилиб олинган зиддият ҳамда муаммоларни характернинг психологик қиёфаси билан уйғун ҳолатда асослаб берилишида аниқроқ кўринади. Зеро, хикоянинг вазиқаси қаламга олинган воқеликни узундан-узоқ хикоя қилиш (баён маъносиди — Й.С.) эмас, балки инсон ҳаётида рўй берган муҳим воқеликни ичмам шаклда тасвирлаб беришдан иборатдир. Бунинг учун ижодкор сўздан ўринли ва унумли фойдалана олиши шарт. Чунки ўқувчини муҳим ижтимоий қарашларини ҳар бир сўзга сингдирилган маъносини муҳим кўпроқ қизиқтиради. Жанрининг бу талабларини Абдуқаюм яхши ўзлаштирган.



Алиvido, гўзаллик

Олломурад БОҒОЛОНИЙ ТўРТЛИКЛАР

Шеър ёзмасам тонгим отмайди, Қўёшим ҳам ботмайди, ажаб. Ватан меҳри, ишқи қалбимга, Қўйган бўлса, не тонг, ўт қалаб.

Бир пайтлар бошимга маломат ёғди, Гувоҳим недирки, аломат ёғди. Офтоб шуъла тўқди, тарқадди туман, Не бахти, қайтадан адолат ёғди.

О, Ойсуду! Сен сувуван, сен пари, Сен ҳақда ўй сурмоқ ўзи бир роҳат. Ўхшанинг топмадим ташбеҳ ахтариб, Ой десам... Юзида бордир жароҳат.

Ўзи эгри бўлса ҳам Ўроқ тўғри ишлайди. Турганим, деб юрганлар Эгри қадам ташлайди.

Таранг тортилган ёй отилмай қолмас, Қўнғидаги гаплар айтилмай қолмас. Ўзингни бозорга солаверма кўп, Асл мол ҳеч қачон сотилмай қолмас.

Оқ либос кийганинг кўнгли оқ дебман, Ширин сўзлаганинг дили пок дебман. Бола феъл эканман, энди ўйласам, Ҳаётдан орқала қолиб кетибман.

Омонга тупурдим, юзимга тушди, Ҳам юзим аралаш кўзимга тушди.



Дўст билан душмани ажратолмадим, Дўстим ганим билиб изимга тушди.

Бу оқном туш кўрдим: тўрт томон жарлик, Кулай, деб турбман... Сесканиб кетдим. Бирдан лозазорга бурқанди теграм, Булбул хонишидан уйғониб кетдим.

Гулим, сен яхши бўл, ёмонинг бўлай, Шириндан ширинроқ забонинг бўлай. Ағёрлар кўксини нишонга олсанг, Бехато ургувчи камонинг бўлай.

Хаёлдан учқур от йўқ экан, билсам, Қаноатнинг қорни тўқ экан, билсам. Бировдан нариман, бировдан бери, Эгардан тушмайсан ҳамон сен бўлсанг.

Санайверсам, дардинг хили кўп, Кимдир дардан зада бўлдим, дер. Хуруж қилса ширининг дарди, Тугилади дардли-дардли шеър!

Кипригинг намланса, кўзим ёшларан, Сабабин билалмай, дилим гапларан. Чехрайи оллингта табассум қўнса, Қиш кетиб, мен учун баҳор бошларан.

Қалбининг тўридан жой бер, азизим, Юрагинг гафтида исиниб яшай. Сенки, бор экансан менинг бахтимга, Нега энди ахир, қисиниб яшай!

Бош қаттиқми, тош қаттиқ деса, Билмайсизми, дердим шуни ҳам. Қайдан билсин бош қаттиқлигин Бошига тош тегмаган одам

Совринни ҳам оти ўзган олади, Чўбир-чўлтоқ тўзонда қолади. Тўда кўрсанг ураверма ўзингин, Пиеда ҳам оёгингдан чалади.

Ҳаётда кўп кўрдим яхши-ёмонни, Гумон айиради дилдан имонни. Соғ бошинг савдога соларлар бир кун, Жиловлай олмасанг тилу забонни.

Тўсиқлар, тўсиқлар йўлимни тўсди, Тангрим шиддат берди — ташладим бузиб. Ҳақ бўлсанг, асрайман дегани шу-да! Кетди йўлтўсарлар нар каби тўзғиб.

От тепкисин от кўтарар — бу гап рост, Эл юкнин эр кўтарар — бу гап рост. Қазо етиб, ўтар бўлсанг дунёдан, Елкасида ер кўтарар — бу гап рост.

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

ДАСТУРХОНИ ТЎКИН-СОЧИН ЁЗ

Кўнгли дашту дала каби кенг, Юзи опшоқ пахтазорга тенг. Икки кўли мевали, боғли, Меҳри офтоб, севгиси доғли.

Уфқ тандирдай, мумкин ёпмоқ нон, Оқшом кўкка сениб чиқар дон. Қажри қаттиқ — шамол, гармсел, Кулиб боқса, соя излар эл.

Ҳусни тиниқ, мисоли узум, Қоқилдан қомати узун. Бармоқлари гулдек, райҳондек, Зеб-зийнати, хазинаси бой.

Эркаганиб тутати қимиз, Қўлдаги олмаси қирмиз. Омборларга тўлатар бугдой, Элу юрти мисли ризвондек.

Қўли ширин, оёғи қаққон, Севар ёри серғайрат дехқон. Жон куйдирсанг, жонга роҳат, соз — Дастурхони тўкин-сочин ёз.

БУЛБУЛ

Салоқатли, девона ошиқ, Дунёда чик ягона ошиқ. Митти юрак, жимит жисмида Кўёш янглиғ ёниқ, улкан ишқ.

Яна баҳор, сурури дамлар Юрагини қуйлайди ёниб. Бешафқатсиз бунча, одамлар, Сиз тинглайсиз уни қувониб.

Куйиб ёнар бечора булбул, Чок-чок қилиб кўксини боғлар. Завқдана сиз зўр наъма, усул Дея ошиқ дард чеккан чоғда...

ИСМ

Исминни айтасан, шундай айтасан — Оҳангиди барча ширин сўзлар бор. Вужудимда титроқ, ҳаяжонда тап, Ҳар бир ҳужайрамда кўқарар баҳор.

Номинни айтасан мени сеҳрлаб, Мўъжизавий афсул ўқиган каби. Исминини қалбимга қўйдинг муҳрлаб, Исминга тегмасин ўзганинг лаби...

ГУЛ

Юрагини тилиб олдилар гуллар, Хайрият, тиконин захри йўқ экан. Уларда бор экан малҳамлек тиллар, Ниначаси эса мисли ўқ экан.

Тикони бармоғим қонатгани хўп, Қўнғилмига санчилиб қолгани ёмон. Жоним, қўлларингда гулнинг бунча кўп, Битталаб отасан менга беомон.



Яраланган кўнглим ушлаб шошаман, Ҳар куним бир довон умрим йўлида. Сенга югураман, сендан қочаман — Орзу ва армон бор ҳар бир гулнингда.

Гуллар билан ишғол қилиб мени сен, Кўнглим меҳварига айланиб қолдинг. Гўзал туйғуларинг гулларгадир тенг, Гул бериб қалбимни, қўнглимни олдинг!

Муҳаббатинг беомон, Кўнглим қон бўлди. Муҳаббатинг тегирмон, Жоним дон бўлди. Тоши оғир экан, Ундек эландим. Жоним деб, жоним деб Сенга эландим...

Кўнглимни ўтказдим юракдан бир-бир, Улар эса ўтказди мени Сониқ номли галвирларидан...

Сумбула кириб, ҳавога куз нуқси уриб қолган кунларнинг бирида кишлоқ оралаб юрган мухбир йигит пиджагини елкасига ташлаб, қовун полизга келди. Бу пайт полизда ҳамма иш билан банд; кеч кириб қолгани учун одамлар пушталарга уйиб кўйилган қовунларни четга, тарозибон олдиға ташиб чиқишар, полиз ўртасида саралаб қовун узиб юрган чол қичқирди, йигитларга нималарни-дир уқтирар эди. Ҳожи бува деганлари шу киши бўлсалар керак, деб ўйлади мухбир йигит. Сўнг теварак-атрофга бир зум диққат билан қараб турди-да, пиджагини четроқдаги чайла ёнидан қичиб турган шоҳга илиб, полиз ўртасига қараб юрди. Қовунларни қопларга солиб, бир-бирларига орқалатаётган йигитлар ҳазиллашар эди:

— Ҳа, думалаб жуна, бўри-калла!

— Ичинг тушмасин, босволди!

— Ҳали хомаксан-да, оғайни, хомаксан.

— Амирига ўхшаб белингни ушлаб туришингни қара, кўтарсанг-чи.

— Ҳожи бувама келяптилар... Ҳов! Қоч!..

Ҳожи бува булар томонга кела бошлаганда ҳалиги йигитлар қопларга ярим-ярим қилиб солган қовунларини орқалашиб, палаклар орасидаги сўқмоқдан югуриллаб кетишди. Ҳожи бува уларнинг кетидан ҳай-ҳайлаб: — Ҳой, секинроқ, заха ейди! — деди-да, қўлини пешонасига соябон қилиб, мухбир йигитга қаради. — Қай боласан, хой! — Ассалому алайкум, — деди мухбир йигит чолнинг истиқболига юриб. — Меҳмонман, бува.

— Ие, келинг болам, келинг, — деди Ҳожи бува. — Мен сизни анани ишқмаслардан бирими, дедим. Кўрмайсизми, буларга гап бўлса, ўйин бўлса бўлган. "Бечоралар югуриб-елиб қовун ташишпани-ю, шундан ҳам норози бу чол, деб ўйлади мухбир йигит. Фермер акани гайратли чол деганича бор экан".

Салом-алиқдан сўнг Ҳожи бува бу йигитнинг оддий меҳмон эмаслигини, бир-икки оғиз гап билан иш битмаслигини билди.

— Меҳмон, бирпас сабр қиласиз-да, энди. Ишни тугатиб, йигитларга жавоб бериб юборай, кейин отамлашаварамиз.

— Майли.

— Бўлмаса сиз полизди оралаб туринг, — Ҳожи бува қўлини кўксига қўйиб узр сўраган бўлди. Негадир мухбирнинг сурнай поча шимига қараб жимлайиб қўйди. — Ҳай, томоша қилиб туринг-чи.

У кетди. Мухбир шимига қараб елкасини қисди-да, Ҳожи буванинг орқасидан жимлайганча қараб қолди.

Мухбир йигит полиз ичига қараб юрди. Ариқ ичидан биқидек семиз бир тирпакчан йўрғалаб чиқди. "Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?" деган каби мунчоқ кўзларини йилтиратиб, бир зум қараб турди-да, яна яшил палаклар ичига шўнғиб кетди. Палакларга қараб туриб мухбир йигит хайрон бўлди: одатда бу пайтда палаклар сарғайиб, полизга ҳазонрезлик нуқси уриб қолар эди. Қаранг, баъзи сув кийналик чиқадиган дўнг жойлардаги палакларни демаса, настки, канал бўйидаги, кулоқ бошидаги палакларнинг ҳали ҳам авжи баланд, ям-яшил, кийғос гуллаб, найчалари осмонга салчийман деб турибди. Энгашиб палакларни титиб қарасанг, туғунак, сапча, хомаклар сероб... Тўрға кирганлари билан ранг олганлари палак орасидан манаман деб кўкрагига муштлаб ётибди. Нариги пайкал тарвуз полизи экан. Ҳар тарвузларки, йўлбарсдай! Тарғил, худди голланд сизи-

ридай ола. Қўқон арава гупчагидай чўзинчоқ, кўзвойлар уфққа ёнбошлаб, ботаётган қўёш шафағи шуъласидан пешоналарни ялт-ялт қилади...

Мухбир йигит, чоли тушмагур буларни қандай парвариш қилди экан, деб хайрон эди...

Қўёш ботиб, салқин тушди. Полизнинг тароватли, ҳандалак, босволди бўйини уфурган файзли оқшоми бошланди. Мухбир йигит салқиндан эти жунжиқди шекилли, канал бўйидан аста пастга тушиб, чайла томонга юрди. Бу пайт полизда шовқин-сурон тиниб, Ҳожи бува қовун ташувчи йигитларга руҳсат бериб юборган, пайкалда фақат уч-тўртта чол билан шофер йигитларгина қолган эди. Мухбир йигит чайла ёнига илиб қўйган пиджагини олиб кияётганида Ҳожи бува келиб қолди.

— Қалай, томоша қилдингизми, ўғлим?

— Раҳмат.

— Ҳа, салқинладдингизми? — деди бува кулиб. — Кечаси бундан ҳам салқин бўлади.

Хўш, мана энди қулоғим сиз-

Носир ФОЗИЛОВ

ПОЛИЗ ОҚШОМИ

да. Жадаллаштирмасак, бўлмайди-да.

— Гаплашадиган гап ҳам йўқ... Узим шундай, полиз оқшомини бир кўрай деб келувдим, — у қалам, дафтарини олиб, чолни чўчи-тиб юбормасликка, илочи борича жўн гаплашишга, гап тизгинини кўпроқ чолнинг ўзига қўйиб беришга ҳаракат қилар эди. — Бирор гап чикиб қолса, кейин сўрарман, ота.

— Шундоқ денг. Ундок бўлса... — деди Ҳожи бува соқолини туталаб, — бугун полизда қоласиз. Оқшом энди бошланади. Мана бу кийимларингиз бўлмайди, ўғлим. Ечиниб, чайлада неварамди пуфайкасиминан шими бор, кийиб олинг.

— Ўзи-чи?

— Тошкентда, ўқиса.

— Майли, шу ҳам бўлаверади.

— Йўқ-йўқ, кийиб олинг, ўғлим. Бу сурнай-поча шимда қўйналиб қоласиз, — деб қолди чол. — Оқшомди оғанаб ётиб кўриш керак... Ху ўртадаги супага жой қиламан. Қани, бу ёққа юринг-чи, бир тамадди қилиб олайлик. Ху анани қовунди оловлигин... Бу жой сизники, — деди чол йигитга буклама каравотни кўрсатиб. — Мана бу кўрпани ҳам ёпининг. Тонгга яқин салқинроқ бўлади.

Улар ечиниб жой-жойларига ёнбошладди. Мухбир йигитнинг бутун хаёли оқшом гўзаллигида, полиз гашига табиат сеҳрида эди. Чол буни сездми шекилли, бир оз фурсат ўтгач, сўради:

— Қалай?

— Гўзал, — деди юлдузларни томоша қилиб ётган мухбир. У аслида гапни нимадан бошлашни билмаётган эди. Шу баҳона бўлиб сўради:

— Қачондан бери қовун экасиз, ота?

— Пенсияга чиққангдан бери.

— Пенсияга қачон чиққансиз?

— Тўртинчи йил. Ишлаб ўрганиб қолганмиз, ўғлим. Қараб ётолмадик. Тўрт-бешта чол маслаҳатни бир жойга қўйиб, фермер боламга арз қилдик. Қовун экасиз, дедик. У аввалга кўнмади. Нима қиласиз ўзингизни уринтириб, Парпи бува, невараларингизди даврида юринг ялло қилиб, деди. Қаёқда, кўнмадик. Мана, кўриб турибсиз, бешта чол бир майдон ёрни айлантдириб ётибмиз.

— Парпи бува деганингиз ким?

— Мен-да, Парпи бува.

— Ие, сиз Ҳожи бува эмасмисиз?!

— Аввалги йили денг, қовунларимиз бир битиб берди. Нақ овозаси оламага жория бўлди. Фермер болам пишқи йигит-да, қовунларимиздан кўнгли тўлиб денг, бир кунни катта мажлисда: "Парпи бува бошқик оқшоқларимизга минг раҳмат. Энди бувани Маккаи мукаррамага жўнатамиз. Бир маза қилиб, Ҳожи бува бўлиб келсин". — деса бўладими? — Бошқа оқшоқлар-чи? — деб қолди мажлисда ўтирганлардан бир-иккитаси.

— Эрга навбат, шерга навбат деганлар, — деб жавоб қилди фермер йигит. — Худо хоҳласа, агар қовунлар келаси йили ҳам яхши битиб берса, уларни ҳам жўнатамиз. Хотиржам бўлинглар.

Бу йил ҳам қовунларимиз яхши, худо хоҳласа, бошқалар ҳам Ҳожи бува бўлиб келса ажаб эмас.

Бу гаплар мухбир йигитни ўйлантириб қўйди: "Қаранг, ҳар кишлоқдан шунча чол чикки, қовун кўчи турса, оламага қовун сизгадими? Мана сизга тўкинчилигимизнинг боиси!" Ҳожи бува бир нафас сукутдан сўнг:

— Соатингиз қанча бўлди, ўғлим? — деб сўради.

— Ҳаридорларда.

— Ҳа, бугун мундоқ бозор оралаб келаётсам, тузуққина иккита йигит, сизникидай сурнай поча шим кийган... бориб қовун олди.

Шундоққина супанинг ёнгинасида кўкқисдан бир нарса қарс этиб ёрилди. Қаттиқ қарсиллади. Мухбир йигит чўчиб тушди

— Ҳа, акадиги қовун! — деди Ҳожи бува, кейин хихилаб қолди. — Қаранг ёрилишини! Кўкча. Ўзим асал. Дори соллинган шунча бунча ёрилмайди, ўғлим. Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Маккага сафаримиздан олдин кампир тушмагур қўрада-қўймай бир елим халтага тўлдириб, худди ўрис қизларнинг ўрли қовун олтин сочидай товланиб турган қовун қоқи солиб берса бўладими? Ҳой онаси, буни оғирдан ортиқ қилиб қандай кўтариб юрарман, десам, керакли тошини оғирлиги йўқ, ўшатаги мўмин-мусурмонларга берасиз, савоб бўлади, деб қўймади кампир тушмагур. Тўғри қилган экан. Обордим, ўша жойдаги хожиларга тарқатаётсам, бирпасда одамлар атрофимизни ўраб олишди.

— Ковун қоқи неча пул? — деб сўрашди нукул.

— Текин, биродарлар, олинглар... Ўзбекистондан насиба.

Бирпасда халтадаги қовун қоқиларни талаб кетишди. Бундай қарасам, ёнгинамда оппоқ уст-бош кийиб, бошига оқ салла ўраб олган мўйсафид кўлидаги қовун қоқи бўлагини шира-пирасига қарамай кўзларига суртиб, ҳиқ-ҳиқ йилғар, яратганга шукроналар айтар эди. Кейин билсам, илгарироқ ватандан чиқиб кетган ҳамюртларимиздан экан...

Бу гапдан мутаассир бўлиб ётган мухбир йигит сўради:

— Нима, у ёқларда қовун экилмас эканми?

— Қаёқда, — деди Ҳожи бува. Кейин гапни давом эттирди. — Бир кўлим текканида бозорларни айландим. Расталарда турган мевалар ранг-баранг. Нақ кўзни қамаштиргудай. Ҳамма нарса бор. Бироқ буларнинг бари бошқа мамлакатлардан олиб келишар экан. Ёб кўрсангиз, уларда на маза бор, на матра. Бизнинг ерларга яратганим назари тушган, ўғлим. Ҳамма нарсамиз худди боғия қарс этиб ёрилган кўкчадай ширин. Ҳа, обидовот...

Чол яна жимиб қолди. У гап нимада тугаганини ўйлармиди ё бошқа мавзу қидиришми, қоронғида биллиб бўлмас эди. Мухбир йигит чолни мавзудан четга чиқиб кетмасин, деб савол берди:

— Боғия менга ўхшаб сурнай поча шим кийган йигитлар нима бўлди?

— Ҳа, айтмоқчи, — гапни давом эттирди чол. — Тагин, ўғлим, хафа бўлманг, сурнай поча деганимга.

кетибди. Ҳа, ношуқур бўпкетипти! Тилладай сарғайиб, хиди анқиб турган бўлса ҳам "Хом эмасми? Дори солилмаганим?" деб бармоғи билан эзиб кўради денг. Шунча демасин, деб қовунди ўзим саралаб узаман. Ҳалигинда гаплар жуда оғир ботди, ўғлим. Харидор қовунди босса, нақ пешонамда бармоғимнинг изи қоладигандай қўйналаман. Тарвузларди қафтларига олиб қисганларида виждоним сиқилаётгандай бўлади... Тўғри, баъзи бир инсофсиз дехқонлар бор, дори солиб қовунди сулуф қиладиган. Шуларди касопатига қоламиз бизлар ҳам. Қовунди ҳадеб бир жойга экаверса ҳам бўлмайди. Ер кучсизлиб, шумгия чикиб кетади. Бу йил иккинчи жой алмаштиришмиз. Нукул бўза ер қидирамиз. Икки йил экиб, сўнг еримизди пахтага бўшатиб берамиз... — деб бир оз осмонга қараб ётди Ҳожи бува.

"Қовуннинг яхши бўлиш сабаби шунда экан-да", деб ўйлади мухбир йигит. Чол бирпас тин олиб, сўради:

— Гап нимада тўхтовди?

— Харидорларда.

— Ҳа, бугун мундоқ бозор оралаб келаётсам, тузуққина иккита йигит, сизникидай сурнай поча шим кийган... бориб қовун олди.

Шундоққина супанинг ёнгинасида кўкқисдан бир нарса қарс этиб ёрилди. Қаттиқ қарсиллади. Мухбир йигит чўчиб тушди

— Ҳа, акадиги қовун! — деди Ҳожи бува, кейин хихилаб қолди. — Қаранг ёрилишини! Кўкча. Ўзим асал. Дори соллинган шунча бунча ёрилмайди, ўғлим. Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Маккага сафаримиздан олдин кампир тушмагур қўрада-қўймай бир елим халтага тўлдириб, худди ўрис қизларнинг ўрли қовун олтин сочидай товланиб турган қовун қоқи солиб берса бўладими? Ҳой онаси, буни оғирдан ортиқ қилиб қандай кўтариб юрарман, десам, керакли тошини оғирлиги йўқ, ўшатаги мўмин-мусурмонларга берасиз, савоб бўлади, деб қўймади кампир тушмагур. Тўғри қилган экан. Обордим, ўша жойдаги хожиларга тарқатаётсам, бирпасда одамлар атрофимизни ўраб олишди.

— Ковун қоқи неча пул? — деб сўрашди нукул.

— Текин, биродарлар, олинглар... Ўзбекистондан насиба.

Бирпасда халтадаги қовун қоқиларни талаб кетишди. Бундай қарасам, ёнгинамда оппоқ уст-бош кийиб, бошига оқ салла ўраб олган мўйсафид кўлидаги қовун қоқи бўлагини шира-пирасига қарамай кўзларига суртиб, ҳиқ-ҳиқ йилғар, яратганга шукроналар айтар эди. Кейин билсам, илгарироқ ватандан чиқиб кетган ҳамюртларимиздан экан...

Бу гапдан мутаассир бўлиб ётган мухбир йигит сўради:

— Нима, у ёқларда қовун экилмас эканми?

— Қаёқда, — деди Ҳожи бува. Кейин гапни давом эттирди. — Бир кўлим текканида бозорларни айландим. Расталарда турган мевалар ранг-баранг. Нақ кўзни қамаштиргудай. Ҳамма нарса бор. Бироқ буларнинг бари бошқа мамлакатлардан олиб келишар экан. Ёб кўрсангиз, уларда на маза бор, на матра. Бизнинг ерларга яратганим назари тушган, ўғлим. Ҳамма нарсамиз худди боғия қарс этиб ёрилган кўкчадай ширин. Ҳа, обидовот...

Чол яна жимиб қолди. У гап нимада тугаганини ўйлармиди ё бошқа мавзу қидиришми, қоронғида биллиб бўлмас эди. Мухбир йигит чолни мавзудан четга чиқиб кетмасин, деб савол берди:

— Боғия менга ўхшаб сурнай поча шим кийган йигитлар нима бўлди?

— Ҳа, айтмоқчи, — гапни давом эттирди чол. — Тагин, ўғлим, хафа бўлманг, сурнай поча деганимга.

— Йўғ-е.

— Улар олган қовунларини бир чеккага олиб чиқишди. Биттаси зўрға энгашиб, қовуннинг дум берган томони у ёқда қолиб, тескари томонига пичоқ солса бўладими? Қараб туриб нафсониятим қўзиб кетди: экиб бердим, обкеб бердим, ке энди сўйиб ҳам берарай, дедим. Бориб қўлидан пичоқди олдим. Қовунди бу ёғидан мана бундай қилиб сўйди, ўғлим, дедим. Қаққайиб турганининг но-

муси келди шекилли: "Пулмизига олганимиздан кейин қанақиб сўйсақ бизнинг ишимиз, отес", деди. Индамадим. Ростини айтсам, жаҳлим чикди. Сўйиб бердим-да, буёғроққа келиб турдим... Қовунди ҳам худди кемшик кампирлардай чала-чулла еб кетишди. Биз дехқонимиз, қовунимизни кадрлайдиганга текин берамиз, ўғлим. Ҳалиги кўрнамаларнинг нописандлик билан чала егани гашимга тегди-да. Тозалаб еса хурсанд бўлаемиз. Жуда кўнглим хира бўлди... Катта мактабга бориб, неварамди кўрдим-да, тез қайтиб чиқа қолдим... — Ҳожибува шу ерда гапни тўхтатиб, мухбир йигитга қараган эди, у асабийлик билан босиб-босиб сигарет чекаётган экан. Чол уни хафа қилиб қўйдим шекилли, деб ўйлаб, сўз қотди: — Ковун сўйиб берайми, ўғлим?

Инос кадри, унинг шаъни ва ор-номуси театр санъатининг абадий мавзуси. Замонлар ошади, эстетик қарашлар ўзгаради, бироқ ушбу муаммоларга бағишланган сахна асарлари мазмунан эскирмайди. Аксинча, вақт ўтиши билан уларга эҳтиёж ошиб бораверади. Ўзбекистон халқ артисти, режиссёр Турғун Азизов Махмуджон Рашидов билан ҳамкорликда сахналаштирган "Яраланган оккуш ноласи" спектакли ана шундай долзарб мавзуда.

Драматург Салоҳиддин Сироҳидинов пиесаси асосида сахналаштирилган спектакл меҳр-оқибат ва фарзандлик бурчи ҳақида бўлиб, анъанавий талқинга эга. Шақлан маиший драмага яқин бўлгани билан асарда трагик унсурларни учратиш мумкин. Ўз спектаклларида жанрлар қоришувидан фойдаланишни хуш кўрувчи Т.Азизов асарни маълум бир қолипда чеклаб қўйишга ҳаракат қилмайдди. Аксинча турли ижро услубларини бирлаштириш орқали ранг-баранг, кенг қамровли қизиқарли томоша яратишга интилади. Воқеалар жараёнида комедия воситаларидан ҳам унумли фойдаланилгани асарнинг умумий муҳитини, қахрамонлар характерини бойитган.

Спектакл гоёсини очиш учун кексайиб, оғир хасталикка чалинган таниқли роллар билан асос қилиб олинган. Шифокорлар беморнинг ту-

да, муомаласида қахрамони табиати-ни тўла очиб берадолган.

Зебо образини талқин этган Раёно Ярашева ҳам бир рассомни севиб қолиб, бутун орзуларидан кечган, шу вақтгача ёлғиз ўзи яшаган аёлнинг дарду ҳасратларини, қийинчиликда кечирган аламли кунларини қалбани ҳис этиб ижро этгани шундоққина сезилиб туради.

Шахсий мулоҳаза

ҳаракат қилган. Аммо спектаклнинг безаклари жуда оддий бўлиб қолган. Эҳтимол, сахна беэгани оддий ва сахнанинг ўзини нисбатан қоронғу қилган рассом Флюра Газизова таниқли рассомнинг руҳан ёлғиз эканини кўрсатмоқчи бўлгандир. Лекин рассом учун ёруғликнинг аҳамиятини эътиборга олмаган, сахна янада яхшироқ ёритиш мақсада мурофиқ бўларди. Спектаклда бир неча марта италянча мусиқа янграб, беш қахрамоннинг дунёқарашини очишга ёрдам берган бўлса-да, кексайиб, оғир дардга чалинган одамнинг кўнглида севи пайдо бўлиб, Зебони рақсга тақдир этиши томошабинга эриш туюлади.

ОТАДАН АЗИЗ "ХАЗИНА"

Спектакл тугаб, парда ёпилай деб турганда ҳам у образдан чиқолмаган, ўзини йиғидан тўхтатолмаётган эди. Зебо ролнинг иккинчи ижрокиси Зухра Ашурова образга ўзгача тарзда ёндашган. Раёно Ярашева ижросида-

Спектаклни кузатиб, қахрамонларнинг қийинчиликларидан уларнинг қайси миллат вакиллари эканини, воқеалар қайси даврда бўлаётганини билиш қийин. Бир-бирини қайтарадиган диалоглар, қахрамонларнинг ҳадеб бир хил сўзларини қайта-қайта такрорлашлари спектаклнинг умумий савиясига соя солган. Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш лозим: мазкур спектакл сюжети, қахрамонларнинг шахсий ҳаётларию хатти-ҳаракатлари шу театрда анчадан буюн қўйилаётган "Уйқусиз кечалар" спектаклини эслатади. "Уйқусиз кечалар"да ҳам бир рассом ҳаёти ҳикоя қилиниб, қизлари оталаридан кейин уйни эрлари билан биргаликда бўлиб олиш ҳаракатига тушадилар. Аммо охир-оқибат ўз хатоларини тушуниб етдилар.

"Яраланган оккуш ноласи"да Ноиранинг эри ва укаси билан ҳаддан ташқари қўпол муомалада бўлиши, укасининг олдида эрига буйруқ бериши, укаси билан қўриқиб туриб, ҳазина ҳақидаги гапларга ўтиб кетиши, ҳатто ёқасидан олиши миллий менталитетимизга тўғри келмайдди. Умуман олганда, илмий даражага эга бўлган зиёли фарзандларнинг шунчаки эшитган ҳазина ҳақида туну кун ўйлаб васвасага тушиб, ҳазина учун оталарини жинниҳонага жойлаб, уйни тинтиб, бузиб ташлашлари одамга гайритабиий туюлади. Қахрамонлар ичларидан ўтаётган хар бир гапни гапирвермасдан, кўз қарашлар, ҳаракатлари билан кўрсатсалар, диалоглар ҳам "қоса тағида ним қоса" тарзида тўзилса, асар бундан фақат ютган бўларди.

Камола ИСАХОНОВА

Бадий филм яратиш жараёнида операторнинг вазифаси воқеаларни шунчаки тасмага муҳрлашдан иборат, деб ўйланган адашасиз. Тўғри, камерани ҳар ким ҳам елкасида тутиб тура олади, бироқ бадий филм суратга олиш учун чинакам истеъдод, уқан тажриба талаб этилади. Узоқ йиллардан бери ўзбек киносида сиккидидан хизмат қилиб келаётган тасвирчи уста Абдурахим Исмоилов шундай маҳорат соҳибларидан.

Абдурахим аканинг айтишига қараганда, ушбу санъатга бўлган қизиқиши болалик йилларидаёқ куртак ёзган. Мактабда ўқиб юрган чоғларда тасвирий санъатга ҳаваси уни кино-фото тўғарагига етаклайди. Уш пайтда техника ҳозиргидек ривожланмаган, кўп нарса қўл меҳнати орқали амалга ошириларди. Бироқ бу қийинчиликлар Абдурахимнинг иштиёқини сўндиргани йўқ. Аксинча, у кинооператорлик сир-асрорларини пухта ўргана бошлади. Шу тариқа 1960 йили унинг илк филми дунёга келди.

Бир асар ёш операторнинг дастлабки иши бўлиши қарамай мутахассислар эътирофга сазовор бўлди. Ҳаваскорлар танловида махсус совринни қўлга киритди. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, А.Исмоилов Карлови-Вари шаҳрида ўтказилган I халқаро ёш ҳаваскорлар кинофестивалида "Энг яхши ҳаваскорлик фильми" учун ва Гран-при совринлари билан тақдирланганида ҳали мактаб ўқувчиси эди.



БАДИЙ ТАСВИР УСТАСИ

А.Исмоилов ўз фаолияти давомида мамлакатимизнинг забардаст режиссёрлари билан елкама-елка ишлади. Жумладан ёзувчи, режиссёр У.Назаров билан қўллаб-қувватлаш яратишда иштирок этди. Уларнинг дўстлиги тасвирга тушириш майдониде ташқариде ҳам давом этди. А.Исмоилов машҳур режиссёр Шухрат Аббосов режиссёрлигида узоқ йиллар саҳналаштирувчи оператор сифатида фаолият юритди. Ана шу ҳамкорлик натижасида бир қанча ажойиб картиналар дунёга келди. Шулар қаторида "Кичик одам катта урушда" филминини кўрсатиш мумкин.

— Шухрат Аббосов ўз филмига мени тақдир қилганда бироз иккиланганман. — деб хотирлайди А.Исмоилов. — Чунки "Махаллада дув-дув гап", "Сен етим эмассан", "Тошкент нон шаҳри" каби картиналар муаллифи билан ишлаш осон кечмаслигини яхши билардим. Ш.Аббосов мизан-саҳналарини шундай усталик билан яратар эдики, тасвирий ечим ва ёруғлик билан ишлашда ҳеч қандай қийинчилик туғилмасди. Ушунда устозларнинг "Агар режиссёр ва кинооператор ҳамфикрликда ишласа, суратга олишда ҳеч қандай қийинчилик туғилмайди", деган сўзлари ёдимга тушди.

А.Исмоиловнинг мустақиллик давридаги ижодига назар ташлар эканмиз, сўнги йигирма йил оператор учун сермахсул кечганига амин бўламиз. "Кичкина табиб", "Ойижон", "Осмондаги болалар", "Аёл зоти", "Суиқасд" ... Бу филмлар оператор ижодининг янги қирраларини очди. Айниқса, таниқли режиссёр Зулфқор Мусоқов билан ижодий ҳамкорлик самарали кечди. З.Мусоқовнинг "Ватан" фильми А.Исмоилов ижодининг сара намуналаридан бирига айланди. Томошабинларга яхши маълумки, ушбу филм қахрамоннинг хотиралари асосига қурилган. Асар тинчлик ва уруш, муҳаббат ва ҳижрон, асирлик ва озодлик каби қарама-қарши эпизодлардан иборат. Шу сабабли оператор "хотира" сахналарини "занжир" усулидан фойдаланиб, кетма-кетликда суратга туширган. Бу эса филмдаги эпизодларнинг бир-бирига уйғун тарзда кечишига ёрдам берган. Шунингдек, воқеалар жараёнида драматик сахналарнинг қўллиги филмнинг асосий ютуқларидан бири бўлди. Айниқса, бош қахрамонлар Курбон ва Гунафшанинг Сибирдаги

Эътироф

ҳаққонийлигини талаб этарди. А.Исмоилов нур-соядан тўғри фойдаланиш орқали яхлит тасвирий билиқини яратган. Асар оқ-қора тасвирда бўлишига қарамай, катта план ва ракурсдан моҳирона фойдаланиш орқали кадрларга ўзига хос жилва беради. Филмдаги йирик планлар шундай қўлланганки, томошабин қисқа вақт ичида кадр мазмун-моҳиятини тушуниб етди.

А.Исмоилов ижодий фаолияти давомида Италия, Испания, Мароқаш, Туркия каби мамлакатларда кино ижодкорлар билан ҳамкорликда филмлар суратга олди. Шулар қаторида "Оловли ноғоралар", "Кизил поёзд", "Бешикчи рақамли камера" каби филмларни эътироф этиш мумкин. Унинг билими ва бадий тафаккури чет эллик ҳамкасбларида катта таассурот қолдирди. Ушбу ижодий сафар чоғида кинооператорлик билан боғлиқ янгиликларни ўрганиш ва ўз маҳоратини янада бойитди.

Юртимизда кинооператорлик мактаби мавжуд бўлишига қарамай, махсус мутахассисларни тайёрловчи таълим даргоҳи узоқ вақтгача йўқ эди. Москвада жойлашган кинематография институтини эса мамлакатимиз учун керакли мутахассисларни етиштириб бераолмасди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, аниқроғи 1994 йили Сибирда институтда "Кинотелеоператорлик" бўлими очилди. Бунда А.Исмоиловнинг хизмати катта бўлди. У хозирги кунда ижодий фаолиятини педагогик иши билан уйғун ҳолда олиб бормоқда.

Ўтган вақт ичида талабалар учун махсус дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга ҳам эришди.

А.Исмоилов шогирдларига нисбатан ўта талабчан. Арзимли хатолик ҳам экранда катталашиб, оператор меҳнатини барбод қилиши мумкинлигини талабаларга доимо таъкидлаб боради. Бугун Абдурахим акани фахр билан устозим дегувчилар орасида Россия, АҚШ, Австралия, Афғонистон, Белоруссия каби давлатларда ўз ижодини давом эттираётган операторларнинг борлиги қувонарли ҳол.

А.Исмоилов ўз мактабини яратишга эришган кинооператорлардан ҳисобланади. Ундаги жонқуярлик ва фидойилик ёш операторлар учун ҳаммиса ўрнақдир.

Шаҳноза АҲМАДЖОНОВА, санъатшунос



"Яраланган оккуш ноласи" спектаклидан кўриниш.

залишига умид бўлмагани учун уйга жавоб беришади. Бу орада рассомнинг ўзини даволоччи шифокорга аллақандай ҳазина ҳақида гапиргани фарзандларига маълум бўлади. Барча зиддиятлар, қелинчиликлар ана шундан сўнг бошланади.

Бу ҳазина нафақат моддий, балки маънавий мулк, оталари учун кадрли ижод маҳсули бўлиши мумкинлиги хаёлларига ҳам келмайдди.

Спектаклда бош қахрамон ролини ижро этган Турғун Азизов Холмуроднинг ичида кечаётган дардларни табиий очиб бера олган. Унинг "Мен ўзимга келажак эмас, бир умрлик кишин ясаган эканман". Ўз расмларим билан бошқаларга эзгулик бахш эта олмасам-да, ўз фарзандларимни бунга ўргата олмабман", дея ич-ичидан йиллаб айтган сўзлариде унинг ички кечинмалари очилди.

Холмуроднинг катта қизи Ноира ролини ижро этган Малика Иброҳимованинг ижросини алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳар бир ролга ажойиб топилмалар киритадиган актриса бу гал ҳам эркак, ўз айтганини қилдириб ўрганган, фақат мол-дунё орттириш ҳақида бош қотирадиган аёлни гавдалантириш учун турли ҳолатларни ўйлаб топган. Жаҳли чиққанда бақириб йиғлашлари, ерга бор кучи билан тепиниб норози бўлишлари, таннозлардек юришларини ўтиришлари-

ги Зебо анчагина жиддий, ўйчан, жилмайиб турган вақтда ҳам ичидан қандайдир дард ўтаётганини кўришиб турган аёл бўлса, Зухра Ашурова талқинидаги Зебо ҳаётдаги қийинчиликларини қилиб етгадиган, юмшоқ табиати аёл сифатида кўринади. Бироқ турмуш қурмаган, ҳаётда бахтли бўла олманган аёлнинг ҳадеб қилиши, "қарикиз" бўлиб қолганини ҳам қилиб айтиб бериши унинг ички кечинмаларини очиб беришига бироз халақит беради.

Тоҳир Саидов ижросидаги Носир эпизодик рол бўлса-да, хотиннинг гапидан чиқолмайдиган, ўз сўзига эга бўлмаган "эркак" эканини доимо хотини нима деса "хўп" дея ерга қарашидан билсак, баъзи масалаларда фикри борлигини "Ойингни гапи тўғри, ўлгим" дея жилмайиб, кўз қисиб қўйишидан сезишимиз мумкин. М.Абдуқудузов талқинидаги Сардор анча жиддий, сермулоҳа-

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманидаги "Орол болалари" ёғи дам республиканинг барча туманларидан болалар келиб дам оладилар. Яқинда мазкур оромгоҳда "Президент асарларини ўрганамиз" мавзуда тадбир ўтказилди. Дам олувчилар "Маънавият", "Мадааният", "Маърифат" гуруҳларига бўлиниб Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" ҳамда

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Узбекистон мустақилликка эришиш останасида асарларининг тарғиботи, мазмун-моҳияти буйича беллашдилар.

Тадбирда "Мадааният" гуруҳи биринчи, "Маънавият" иккинчи, "Маърифат" гуруҳи учинчи ўринни эгаллади. Голибларга туман ҳокимилик, маданият ва спорт ишлари бўлими, маънавият тарғибот марказининг фанрий ёрликлари ва совғалар топширилди.

Жанубий Квинсленд университети археологлари олиб борган тадқиқотлар натижасида Наварла Габармангда топилган қоя суратларининг ёши йигирма саккиз минг йилдан ошди экани тасдиқланди.

Ушбу ноёб топилманинг аниқланганига бир йилдан ошди вақт ўтганига қарамай, уларнинг тарихи ҳанузгача сир бўлиб қолаётган эди. Қадимий тасвирларнинг буюк таркибини ўрганган олимлар узоқ торттишувлардан сўнг нияҳят аниқ хулосага келишди. Бироқ тадқиқот ишлари ўз якунга етгани йўқ. Археологлар ушбу манзилгоҳда янада қадимийроқ тасвирий санъат на-

ошиқ вақт кетган. Фотоанорамда жами бир юз тўққиз мингдан ортиқ сурат акс этган бўлиб, қахрамонларнинг аксарияти Лондонда истиқомат қилувчи одамлар. К.Ньютон ўз асарларини портрет кўришида эмас, ноъанавий ҳаракатчан услубда суратга туширган. Бу орқали муаллиф асарнинг динамикасини кучайтириб, унга кинолента шаклини беришга ҳаракат қилган. Асар номийлиги Лондонда ёғи олимпиада ўйинлари бошлангишига қадар давом этиши режалаштирилган.

ГИННЕС РЕКОРДЛАРИ КИНО ЭКРАНДА

Хозирги вақтда дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатда, ўнга яқин тилда нашр этилаётган машҳур "Гиннес рекордлари" китобига кино соҳаси ижодкорлари ҳам қизиқиш билдирмоқда. "Warner Brothers" кинокомпанияси ушбу китоб асосида бадий филм суратга олишга бел боғлаган. Саргузашт комедия жанрида яратилиши режалаштирилаётган ушбу картинани суратга тушириш ишлари ҳали бошлангани йўқ. "Warner Brothers" кинокомпанияси вакиллари айни пайтда "Гиннес рекордлари"нинг ноширлари билан музокара олиб боришмоқда. Томонлар келишувга эришадиган бўлса, филмга режиссёрлик қилиш вазифаси таниқли ижодкор Денни Чанга топширилади.

Янги филм сюжети ҳозирча ошкор қилинмаётган бўлса-да, картинада машҳур китобнинг пайдо бўлиш тарихи, оммалашуви ҳақида ҳикоя қилиниши таҳмин қилинмоқда. Бордию асар экранга чиқадиган бўлса, "Гиннес рекордлари" ҳақида дастлабки бадий филм сифатида рекордлар китобидан ўрин олиши зарур.

НОЁБ КУТУБХОНА ИНТЕРНЕТИ

Интернет тармоғида электрон кутубхона ва галереяларни ташкил этиш тобора оммалашиб бормоқда. Лувр, Метрополитен музейлари қаторида Гетти тадқиқот институти ҳам ноёб қўлёзма ва китоблардан иборат йирик ахборот марказини ишга туширди.




Жаҳон маданий меросини асраш ва уни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ оддий электрон кутубхоналардан фарқ қилиб, унда санъатга оид йигирма мингдан зиёд илмий манбалар, машҳур олимларнинг тадқиқотлари жамланган. Интернет тармоғи фойдаланувчилари "Getty Research Portal" саҳифасида инсталган китобнинг рақамли нусхасини бепул ўқуб олиш имконига эга. Лойиҳа муаллифлари айни пайтда рақамли кутубхонани янада мукаммаллаштириш устида иш олиб боришмоқда. Тез орада илмий адабиётлар қаторидан тасвирий санъат намуналари ҳам ўрин олиши мумкин.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

НЬЮТОН ДЕТЕКТИВ ҚАҲРАМОНИ

"Титаник", "Аватар", "Трансформерлар" каби кенг қамровли филмлар билан мухлисларни ҳайратга солишга одатланган Голливуд ижодкорлари яна бир шов-шувли лойиҳага қўл уришди. Навбатдаги филм, айниқса, тарихий мавзу илҳомларини берди: фарқ қолдирмаслиги аниқ. Сабаби, америкалик ижодкорлар буюк инглиз олими Исаак Ньютон образини экранга олиб чиқишни режалаштиришмоқда.

Картинада иштирок этувчи актёрлар жамоаси ҳали тасдиқланмаган бўлса-да, лойиҳага саргузашт филмлар устаси Роб Коэн бошчилик қилиши лозим. Қизиқарли томони, филм муаллифлари Ньютоннинг илмий фаолиятини ёритувчи асар эмас, бал-



ки тарихий детектив картина олишни мақсад қилишган. Кинотанқидчилар ушбу филм жаҳон кино экранларида катта шухрат қозонган "Шерлок Холмс" картинасининг замонавий талқинига ўхшаш бўлишини таҳмин қилишмоқда.

ЭЛВИСНИНГ ЯНГИ МУСИҚИЙ ТЎПЛАМИ



Жаҳон эстрадаси тарихида ёрқин эл қолдирган хонанда, рок-н-рол қироли Элвис Преслининг янги тўплами шу ой охириларида сотувда пайдо бўлиши мумкин. Ушбу музиккий албомнинг аввалги жамламадан фарқи шундаки, у мухлислар танловида кўра тузилган. Интернет тармоғида ушатирилган оммавий сўровда дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатдан икки юз эллик мингга яқин шивавандалар иштирок этишди.

Сўров натижаларига кўра хонанданинг йигирма битта қўшиғи саралаб олинди, махсус тўпламга киритилди. Жамламадан ўрин олган қўшиқларнинг асосий қисми ўтган асрнинг 50-60 йилларида яратилган бўлиб, Элвис ижодининг энг сара намуналари ҳисобланади.

ҚАДИМИЙ САНЪАТ НАМУНАЛАРИ

Австралия қитъасида энг қадимий санъат намуналаридан бири топилганга ўхшайди.



мунаси топилганга умид қилишмоқда. Эслатиб ўтамиз, дунёдаги қадимий сурат Испаниянинг Эль Кастильо ғоридан топилган бўлиб, унинг ёши қирқ минг бир йилдан ошди.

ЭНГ УЗУН ФОТО АСАР

Лондон шаҳрида узунлиги бир километрдан ошди фото асар номийлиги қўйилди. Мутахассислар томонидан дунёдаги энг узун санъат асари сифатида эътироф этилаётган ушбу ижод намунаси муаллифи Клер Ньютон бўлиб, уни яратиш учун икки йилдан

Бир ҳафта давомида пойтахтнинг қатор театрлари ёш режиссёрларнинг «Дебют — 2012» республика кўрик-фестивали катнашчилари, мухассислар ҳамда мутахассислар билан га-вж бўлди.

Фестивалнинг биринчи кунини ёш режиссёрлар Нигора Исмоилова, Раҳимжон Дўсанов, Ориф Маматов «Ойдинда юрган одамлар», «Широқ», «Бехато отилган ўқ» спектаклининг томошабинлар ҳужуми ҳавога етди. Кейинги кунларда Алижон Ҳасановнинг «Ширин найра», Обиджон Абдуллаевнинг «97-хона», Шухрат Иброҳимовнинг «Оппой ва унинг митти дўстлари», Аброр Ортинини...

Таъбир

«ДЕБЮТ — 2012» НИҲОЯСИГА ЕТДИ

қонинг «Майсаранинг иши», Шухрат Сабоқовнинг «Тақдир эшиги», Фафур Мардоннинг «Мешполвон», Ҳасан Бурхоннинг «Мўъжиза яратувчи», Муқаддас Мамадалиевнинг «Жоним бахшида», Асқар Холмўминовнинг «Искандар», Анвар Абдуллаевнинг «Ҳайрат», Обид Абдурахмоновнинг «Қалбахи авлиё» спектакллари намойиш қилинди. Ҳар бир кун охирида ҳайат аъзолари ва мутахассислар иштирокида кўрсатилган томошалар муҳокамаги ўтказилди.

Кўрик-фестивалга тақдим этилган спектаклларнинг мавзуси ҳам, жанри ҳам ранг-баранг. Асарлар муаллифлари орасида Мирқарим Осим, Тоғай Мурод, Шафқат Шохбеков, Анвар Обиджон, Набижон Ҳошимов каби ўзбек адабиётининг таниқли ва ёш вакиллари билан бирга, Тафвик а-Хажим, Нил Саймон, ака-ука Гриммлар, Уильям Гибсон, Андрей Макаёнок каби чет эл ёзувчилари ҳам бор. «Дебют» иштирокчилари орасида энг тажрибалиси Муқаддас Мамадалиева бўлиб, бир неча йилдан буён Муқимий

номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида солист-вокалист сифатида ишлайди. Шу билан бирга 2011 йили Санъат институти аспирантураси қрошидаги «Олий режиссура» курсини тамомлаган. Театр санъатининг мураккаб соҳаси бўлмиш режиссурада энди фаолиятини бошлагани учун ҳам М.Мамадалиева мазкур фестивалда катнашишга мурасар бўлди.

— Аввало шундай катта анжуманда катнашаётганимдан хурсандман, — дейди Муқаддасхон. — Аввалги ёш режиссёрлар фестивалларини ҳам кўзатганман. Лекин бу йилгиси илгаригилардан бошқача, анча юксак савияда ўтапти. Кўпгина спектакллар мутахассисларда ҳам, мухлисларда ҳам илиқ фикрлар уйғотяпти. Ташкилий жиҳатдан ҳам анжуман барча катнашчиларда катта таассурот қолдирди. Шахсан ўзим ҳамма спектаклларни

Ҳаёт асли завққа тўла, олти эмас, олтиш миллиард одамга ҳам етиб ортадиган шод-хуррамликлар бор, ammo биз кўпичинча завқдан бошқа нарсаларни қидириб қоламиз. Иллат излаган одам иллатга дуч келганида «ваҳ!» деб хурсанд бўлганида, ниммага дуч келмайди, кунимиз ўтапти-ку, ахир, дея ўзимизни ўзимиз юпатамиз.

Яна бир хил одамлар: «Қани ўша завқ деганимиз, ҳеч кўрин-майпти», дейишади. «Эн-атрофингизга пешонангизни тириштириб эмас, завқ билан қаранг, ана ўшанда кўрасиз!» десангиз, пешонаси баттар тиришиб кетади. Холбуки, завқ шундоқ ёнимизда туради...

Шоир Эрмат Нурматовнинг «Сабоқ» номили янги тўпламини («Шарқ» НМАК бош тахририяти) ўқиб, ундан бир олам завқ олдим десаим, муболага бўлмайди. Муаллиф ижодини анча йиллардан бери кўзатиб келаман. Суяги газетачиликда қотган, водийда у киши бормаган қишлоқ, кечиб ўтмаган сой, ёнбошлаган кир, изи тушмаган сўқмоқ, сўхбат қурмаган одам, сувига қонмаган бўлук қолмаган бу ҳамкасбимиз табаруқ ёшга етганида ҳам каламини қўлдан қўймай, ёшликка хос шижоат билан ижод қилаётгани қўллар учун ибратлидир. Эрмат ака журналистиканинг залворли юқини кўтариш билан бирга, «Боқий бахт», «Яхшилик», «Муҳаббат боғи», «Соғиниш», «Эзгуликдан умр чароғон» каби шеърли тўпламлари билан мухлисларини ҳушнуд этиб келди.

Тўпламининг «Сабоқ» деб номлангани бежиз эмас, албатта. Эрмат ака ҳаётда ўзига учраган, йўлдош сирдош, ҳамфикр-маслақдош бўлган жуда кўп кишиларни, улуг устозларни меҳр билан ёдга олади. Ижодкор сифатида хуш-нохуш воқеаларга, қувончли онларга оғрикли тазаруқларга кўп бор ғувоб бўлгани боис улардан ангишларидиган сабоқларни мухлислари билан самимий баҳам кўради.

«Йиғлаётган шифокор» сарлавҳали қатрани ўқиб, «Онага берилган ваъда» мақо-

ламини эсладим. Унда дунёга машхур академик Чазовнинг онасига берган ваъдаси ҳақида ёзгандим. Она ўглининг шифокор бўлишга аҳд қилганини эшитиб, «Майли, мен розиман, ammo ҳеч қачон бемордан ёки унинг яқинларидан бир сўм бўлса-да пул олмайман, деб ваъда бер», деган экан. Чазов телевидениедаги чиқишларидан бирида бутун мамлакатга эшиттириб: «Ишим шу қадар масъулиятли эдики, онам бу дунёни тарқ этаётганида ёнларидан тура олмадим, ammo ваъдамни бирор марта бўлсин, бузганим йўқ», деди. Э. Нурматовнинг «Йиғлаётган шифокор» қатрасида эса бунинг тамомила аксига дуч келамиз.

«Йўқолган қабр»даги воқеа ўқувчини ўйлантириб қўяди. Бу дунёнинг ҳою-ҳавасларига берилиб, ота-боболари хотирасини унутганлар, қабристон ёнидан ҳам отда, машинада тижоратдан келадиган даромаддан чашима олмадилар, «Шумшук соҳоналар», «Тул» машиналаридаги Мақсудали отанинг виждон изтироблари кўпларга сабоқ бўлиши керак.

Тўпландан жой олган «Кўрнамак шогирд қисмати», «Муздадан до совуқ сукут», «Фақат уйқусидан уйғонган банд», «Отасига ўхшамаган фарзанд», «Кечиккан ўкинч» каби қатрала ҳаётининг ва таъсирчанлиги билан китобхон эътиборига тушади. Муқими, уларда қаламга олинган воқеалар бугунги ёш авлод учун чинакамига сабоқ бўлади.

«Сабоқ» тўпламининг кўп қисми умрини эзгу ишларга бағишлаган фидоий инсонлар, табаруқ устозлар, нуруний отахонлар, таниқли қалам соҳиблари бағишланган. Улардан бири Ўзбекистон халқ шоири, Давлат муқофотининг совриндори Ҳабиб Саъдулла эди. Унинг «Ҳабиб, мен ҳам яшаб турган замон ичра ғаниматман» деган сатридан таъсири билан ёзилган ушбу шеърни Эрмат ака ақиб унинг бу янги тўпламига дўстини соғиниб киритибди:

«ПАРҲЕЗ ТАОМЛАР»

«Янги аср авлоди» нашрияти тиббиёт фанлари номзодали Анвар Шайхон, Абдукарим Усмонов ва шифокор Нигора Турсунова ҳамда технолог Мурод Махсудовнинг шу номдаги илғовий босмадан чиқарди. Ун бўлмишдан иборат тўпламда турр овқатланништа доир қондалар ҳамда сўхат-саломатликин сақлашда беғиёс аҳамиятта эга парҳез таомларни тайёрлаш усуллари ёритилган.



— Инсон қандай фаолият олиб боришидан қатъи назар доимо қувват сарф қилади, — деб ёздаи муаллифлар. — Бу энергия эса органик моддаларнинг оксидланиш-кайтарилыш реакциялари натижасида ҳосил бўлади ва бутун танага қон ёрдами тарқалади. Оксидланиш реакцияларида оксиген, ёғлар ва карбонсувлар, ферментлар, кислород ва сув иштирок этади. Органик моддалар билан сувни биз озиқ-овқатдан оламиз. Маълумки, танадаги аъзо ва тўқималар майда ҳужайраларнинг бирикмаларидан ташкил топган. Мана шу ҳужайралар маълум вақт яшагандан сўнг танадаги жараёнларда ўзидан энергия ажратиб Н₂O, CO₂, ва NH₃ га парчаланadi («яни «ўлади») ва ўрнига янгилири ҳосил бўлади. Ҳужайралар, тўқималар ва бошқа бирикмаларнинг янгидан ҳосил бўлиши учун ҳамашё ва зифасини ҳам озиқ моддалари бажаради.

Соғлиқ — бойлиқ...

Овқатланни мураккаб жараён. Бу жараён озиқ моддаларнинг истеъмол қилиниши, ҳазм бўлиши, ичак шиллик каватлари орқали қонга сўрилиши, тўқима ва аъзоларга бориб янги ҳужайралар ҳосил бўлишида иштирок этиши ёки лозим бўлганда энергия манбага айланнишдан иборат.

Инсон озиқ моддаларини ўзига керакли микдорда ва зарур вақтда қабул қилиши керак. Бунда: қувват (энергия) мувозанатини сақлаш, яъни бир кунда сарф қилинган энергия билан озиқлардан олинган энергия биробар бўлиши; тананинг таомларга эҳтиёжини маълум микдор ва нисбатда таъминлаш; овқатланни тартибга риоя қилиш талаб этилади.

Инсоннинг турр ҳаёт кечирishi учун сарфланган энергия ўрнига тўлдириш билан бирга оксиген, ёғлар, карбонсувлар, минерал элементлар, дармондорилар организмга қайси нисбатда қабул қилинишига ҳам ҳикмат кўп.

Оксиген инсон ҳаёти учун энг зарур озиқ моддасидир. Усиз одамнинг яшаши, ўсиши, ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди. Оксиген овқат билан қабул қилиниб, организмда жуда кўп вазибаларни бажаради. Ҳужайралар ҳосил бўлиши учун «ҳомашё» бўлади ва қувват беради: 1 грамм оксиген танага 4 каталория энергия беради. Организмини ҳимоя қилувчи восита сифатида ҳам оксигеннинг аҳамияти катта. Унинг гамма-глобулин турлари ҳар хил бактерия ва вирусларни ўлдирadi. Танадаги оксидланиш-кайтарилыш реакцияларини бошқарувчи гормонлар, ферментлар ҳам асосан оксигенлардан ташкил топади.

Ёғлар ҳам таомларнинг муҳим таркибий қисмига кириб, оксиген бажарган функцияларнинг ҳаммасини бевосита бажаради, яъни янги ҳужайралар учун «ҳомашё» бўлади ва қувват беради. Тери остига йиғилиб тана шиллик механик таъсирлардан сақлайди ва ёғда эрувчи витаминлар (А, Е, Д, К) нинг ҳар хил реакцияларда катнашувда муҳим рол ўйнайди, ёғлар билан бирга организмга фосфатидлар (лецитин), тўйинмаган ёғ кислоталари, стеринлар каби кўпгина биологик фаол моддалар ҳам сингади.

Карбонсувлар танада асосан қувват бериш вазибаларни бажаради. Барча жисмоний ишларда карбонсувларга эҳтиёб ошади. Улар ҳужайра, тўқималардаги тикланиш жараёнларида ҳам иштирок этади. Таом билан қабул қилинган карбонсувларнинг ҳазм бўлмайдиган турлари (клетчатка, гемцеллюлоза, пектин) ичакларни ҳаракатга келтирadi ва унинг ҳаракат функциясини бошқаради. Сабзавот-мевалар таркибидagi карбонсувлар танадан холестерин моддаси чиқиб кетишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам атеросклерозга қарши тузилган парҳезларда овқатни сабзавот-мевалар билан бойитишга катта аътибор берилади.

Минерал тузлар эса танадаги тўқималар, қон, суяк тўқимаси, ферментлар, гормонлар таркибига кириб, ҳужайраларнинг ҳаёт-фаолиятига, модда алмасиун жараёнида, тўқима ва ҳужайраларнинг тузилишида, ички секреция гормонлари ва ферментлар ҳосил бўлишида, қоннинг шаклий элементлари, шу жумладан, гемоглобиннинг ҳосил бўлишида иштирок этади (барча биокимёвий жараёнлар фақат ферментлар иштирокида ўтади).

Одам ва ҳайвонот танасида 60 дан ортик минерал элементлар топилган. Улар макрo, микро ва ультрамикрo элементларга бўлинади. Макрoэлементлар таркибига калий, натрий, кальций, магний, фосфор ва бошқалар кирadi, улар озиқ моддалари таркибидa кўп микдорда учрайди. Темир, йод, фтор, рух, мис, марганец, бром, алюминий, никель, кобальт, сицилий ва бошқалар микроэлементлардир; тилла, кўрoшин, сиймоб, радий ва бошқалар эса ультрамикрoэлементлардир.

Бундай минерал моддалар танага озиқ-овқат билан кириб, ичаклардан қонга сўрилади ва суякларда, терида, жигарда, шунингдек, бошқа аъзоларда йиғилади. Темир асосан жигарда, кальций, магний, фосфор тузлари суяк тўқималарида, калий мушакларда, натрий (ош тузи) терида йиғилади.

Минерал элементларга бой озиқ маҳсулотларидан бирортаси узоқ муддат истеъмол қилинмаса ёки кам истеъмол қилинса вақт ўтиши билан одамни бирор хасталикка йўлқитиради. Масалан, темир моддаси етишмаслиги камконликка, йод етишмаслиги буқоқ касаллигига олиб келади.

Минерал элементлар танага энергия бермаса ҳам одам уларсиз яшай олмаиди. Кўпчилик озиқ маҳсулотларида 0,7-1,5 фоиз микдорда минерал элементлар бўлади ва улар танада пластик функцияни бажаради ҳамда барча модда алмасиун жараёнларида иштирок этади.

Уррнбой НУРАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекияов» эстрада бйрлашмасы жамоаси, Ўзбекистон халқ артисти

Маъмиржон ТўХТАСИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға ҳамдардик билдиради.

диққат билан кўрдим. Айниқса, «97-хона», «Оппой ва унинг митти дўстлари», «Тақдир эшиги» спектакллари режиссураси менда яхши таассурот қолдирди. Хусусан, «Оппой ва унинг митти дўстлари»да яхши режиссёрлик топилмаларини кўрдим. Шунга амин бўлдимки, ёш режиссёрларнинг бундай анжуманлари ниҳоятда зарур экан. Бежиз режиссёрлик ишига ургу берилмаётгани аққол кўринди. Чунки кўриляётган спектаклларда асосий ютуқ актёрлар ижроси ва ифода воситаларида бўляпти. Режиссёрлик ишида эса камчиликлар оз эмас. Ҳаммамиз кўп ўқинишимиз, устозлардан ўрганишимиз керак. Мана шундай кўрик-фестиваллар биз учун имтиҳон, маҳорат мактаби вазибаларини ўтайди.

Бугун «Дебют — 2012» фестивали ниҳоясига етди. Ўзбек Миллий академик театри биносидa «Режиссура санъатининг долзарб муаммолари» мавзюда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади. «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев, Ўзбекистон санъат арбоби Наби Абдурахмонов, филология фанлари номзоди Шухрат Ризаев, санъатшунослик фанлари номзоди Муқаддас Аҳмаджонова ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Зебо Тўхтаеванинғ ёшларнинг мумтоз адабиётга муносабати, устоз-шоғирдлик аънавалари, ёшлар драматургияси, ёшлар талқинида замона қаҳрамони мавзуларидаги маърузалари тингланади. Кўрик-фестивал голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР

малаб ўтаётганлар оз эмас. «Шумшук соҳоналар», «Тул» машиналаридаги Мақсудали отанинғ виждон изтироблари кўпларга сабоқ бўлиши керак.

Тўпландан жой олган «Кўрнамак шогирд қисмати», «Муздадан до совуқ сукут», «Фақат уйқусидан уйғонган банд», «Отасига ўхшамаган фарзанд», «Кечиккан ўкинч» каби қатрала ҳаётининг ва таъсирчанлиги билан китобхон эътиборига тушади. Муқими, уларда қаламга олинган воқеалар бугунги ёш авлод учун чинакамига сабоқ бўлади.

«Сабоқ» тўпламининг кўп қисми умрини эзгу ишларга бағишлаган фидоий инсонлар, табаруқ устозлар, нуруний отахонлар, таниқли қалам соҳиблари бағишланган. Улардан бири Ўзбекистон халқ шоири, Давлат муқофотининг совриндори Ҳабиб Саъдулла эди. Унинг «Ҳабиб, мен ҳам яшаб турган замон ичра ғаниматман» деган сатридан таъсири билан ёзилган ушбу шеърни Эрмат ака ақиб унинг бу янги тўпламига дўстини соғиниб киритибди:

Худога етдими оҳинг, саховат-ла қарам етди.
Тйриқлик кишвари ичра абал ёнгувчи шямъ етди.
Китобинг қўлма-қўл элди, ҳамонки нур улашгайсан,
Демак руҳи равонинг хуш, алам қаддини ҳам етди.
Қанот берди наволарга асалтамъ назми афзунинг,
Эшитган жони роҳатда, сафо ақлини жам етди.
Бобо Машраб десанг меҳринг тошари чашмадай доим,
Бугун довруқда каммасан, мисоли якқалам етди.
Сўзинг тақроп қилурдан шавқ туяр шоғирди оқиллар,
Ғаниминг ҳам соқов энди, асов зикрин адам етди.
Амал, бойлик муваққатдир, учар юлдуз каби сўнғай,
Ҳабиб исминг яшар боқий, замона муҳтарам етди.

Аҳмад ОҒА

Китобангизни ўқидим

хамки, кўтарилган муаммо долзарблигига қолмоқда. Негаки, муаллиф айтмоқчи, «Тийқисиз майларнинг тийш» масаласи ёши улуглар томонидан доимий назоратни, тушунтириш ишларини олиб боришни талаб қилади. Мақолага сарлавага танлаш, кириш ва хулоса учун детал(мирол), сўз танлаш ҳам журналист маҳоратини кўрсатувчи жиҳатлардир. Қолаверса, муаллиф муаммо жиддийлигига қарамай, енгил ўқиладиган услуб танлайди. Худди шу ўринда Ҳ.Карвонлининг ўзигагина қос эъзис услуби ҳақида ҳам фикр юритиш мумкин. Ҳушёр ёш

ўйлайдим. Газета-журнал ўқимай, китоб ўқимай, зийофатлар ва тўйлар, меҳмондорчиликлардаги қадаҳлар жаранги остидa, олдиқочди сериаллар, шовқин-сурон мусиқалар таъсирида, ҳар байрамда «Ўтириш-лар уюштириб улгайишмоқда» улар.

Пайшанба кунини қишлоқ бикинидаги бозордан ўларига китоб, дарслик олиб бермаган оталарининг маст бўлиб келишларини, тўйларда ўқитувчиларнинг ўлар ҳолда ичиб, стол тағидами, ариқдамми, йул устидами ухлаб қолганларини, ичиб олган йиғит-қизларининг даврани бўшатмай, жазовага тушиб йўнган тушишларини, кайф қилиб олганларининг сўқинишлари ноҳўя қилиқлари, уруш-жанжалларини кўриб, билиб, эшитиб катта бўлишайпти улар».



ИЛҒАБ БОРАЕТИР МЕНИ ФАСЛЛАР

Ҳ. Нишоновнинг муаммони кўтариш, кўрсатиш ва хулоса чикаришда ҳеч кимни, ҳатто ўзини ҳам аямаслиги бор гап. Аслида ҳақиқий журналист шундай бўлиши керак эмасми?

Китобнинг иккинчи («Инсонни тушуниш санъати» ва учинчи («Ватанини қўйлаш осонми?») фаслларидаги ҳар бир мақола ёки фикрда ҳам журналистнинг ўз айтар сўзи борлиги кишини қувонтиради.

Хусан Карвонли қурган суҳбатлар ҳам фикр айтишда мақолаларидан қолтирмайди. Маълумингизи, мутахассислар суҳбатининг интервьодан фарқлайдилар, кимдир интервьон аъборий, кимдир суҳбатни таҳлили жанрлар қаторига қўшади. Шу нуқтаи назардан қарасак, Хусаннинг суҳбатлари ҳақиқатан ҳам интервьодан фарқ қилади. У аввал мавзунини чуқур ўрганади, кейин уларга

Бош муҳаррир **Саъдулла ҲАКИМ**



«Жонинг бахшида» спектаклидан қўриниш. Режиссёр Муқаддас Мамадалиева.

Ҳар бир ўқувчининг китоб муталоасидан мақсади бўлади, албатта. Бадний адабиёт муталоаси ўзига хос завқ беради-ю, илиий адабиёт ўқиндан мурод бошқа бўлади.

Танқид журналисти ва муҳаррир Хусан Карвонли(Нишонов)нинг «Илғаб бораётир мени фасллар...» («Янги нашр» нашриёти) китобини ўқиб, негадир «ўрганиш учун амалиётга ёрдам берадиган тузукроқ китоблар йўқ», дея нолиб юрадиган талаба укаларим ёдимга тушди. Бу китоб амалиётчи журналист томонидан кўтарилган мавзуларнинг кўламидан, олинган интервьоларнинг аҳамиятидан, қисқаси, муаллифининг босиб ўтган йўларида тўплаган тажрибасидан хабар берувчи манбадир. Уни талаба ёки эндигина иш бошлаган журналист укаларимиз ўргансалар фақат фойда бўлади.

Қолаверса, китобнинг туртинчи фаслига муаллиф «Китоб ўқини биласизми?» дея сарлавага қўйибдики, журналист дунёқарашни кенгайтиришда муталоани аҳамиятини устозлар фикри асосида, ўз ўрганган адабиётлар мисолида исботлашга ҳаракат қилган ва энг асосий хулоса — қанақа китоб ўқини кераклигини кеч англаб етганидан афсусдалигини билдирган. Ибрат ва давнат — Сиз кечикманг!»

Журналист укаларимиз: «Ганни туртинчи фаслдан бошладингиз-ку, аввалгиларида нималар бор», деб савол беришлари тайин. Биринчи фаслнинг номиеб сизнинг йў-хаёлларингизни тўзғитиб юборadi: «Мақтабдан қочган келинлар!» Хаёлингизга бйринчи келган фикр: «Эндигина институтни тутганиб, турмуш қурган келинчақ муаллима мактабни ташлаб қочган бўлса керак!». Ундай эмас экан, дейсиз мазкур фаслдаги мақоалаларни

ИБРАТ ВА ДАВВАТ

батлари, ёш турмушга чиққан қизларнинг кейинги аҳволи ҳақидаги маълумотлари, мутахассис фикрлариға таъбият чиқарган хулосаси аҳамиятли.

«Истасак-истамасак, сочимиз, соқолимиз тинимсиз ўсаверади. Покиза турмуш кечирishi учун улари вақтида тартибга солиб туришимиз шарт. Инсон истаклари ҳам шунга ўхшайди. Тийқисиз истакларни вақтида тиймасиз, нуқулай, ҳатто ёмон аҳволга тушиб қолишимиз мумкин».

Қолаверса, муҳбирнинг ҳар қандай шароитда аъборот олишиға интилиши ёш журналистга сабоқ. Масалан, у Тошкентдан Бухорининг Қорақўл туманидаги чекка қишлоққа шунча йул юриб кириб борганда мутасаддилардан ҳеч кимни топа олмаиди. Ҳамма тўйда. Тўй тугашини кутиш ҳам мумкин. Лекин... «меҳмон муҳбир» фурсатни қўлдан бой бермай қишлоқнинг ёши улуглари билан суҳбатни тўй дастурхони атрофида қўради...

Орадaн саккиз йил ўтибди журналист ука-сингилларимиз ушбу мақоладан анчагина билим олади.

«Ароқ инганмисиз?» сарлаваҳа мақолада ҳам эски муаммога ўзгача ёндашилган. Уни ўқиганингизда муаллиф мақола ёзиш учун ўн йил аъборот йиққандек тасаввур пайдо бўлади. Аслида ҳам шундай. Журналист қаламининг ўткир тигига машхур адиблардан тортиб, оддий қишлоқ дошларини ҳам дучор бўлишган. Кичик сарлаваҳаларга бўлиб ёзилган мақолаларнинг уч бўлими ўзи тугулиб ўрган қишлоқдаги салбий ҳолатларга бағишланган.

Хусан бу мақоласидан кейин анча пайтгача қишлоқига боролмай юргани ҳам ҳақиқат. Китобни топиб ўқигунингизча сизга ҳам бир чиндим улашамиз.

«Қишлоқдан эзилб қайтдим. Кўрганларимга қўнқоқлардим. Аммо буни ҳамқишлоқларим сезишмади. Ҳаммаси шундай бўлиши керакдек, одатий ҳолга айланган.

Мен кўпроқ болалар ҳақида

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Махрума келган кўзёемалар тахлил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуқтаи назаридан фарқлашиш мумкин.

Масул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Суяноқ МАМИРОВ
Саҳифачоғчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона мазали: Буюк Тўроқ кўчаси, 41 ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.48

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИК

ISSN 2181-614X

9 772181 614000

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аъборот агентлигинда 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6753 Буюртма Г — 644. Ҳақми — 3 Босма табоқ А-2. Нашр қўрсатқичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5